

# Хабар

4  
(801)-son

25-yanvar

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2008


O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Yamaha kompaniyasi юкори технологияларга асосланган Disklavier номли роял такдимотини ўтказди. Бу роял орқали интернетга уланиш ва кўп сонли интернет-радиостанциялар узатаётган мусиқаларни ижро этиш мумкин.

Фойдаланувчилар радио тинглашдан ташқари, роялнинг 80 гигабайтлик қаттиқ дискига интернетдан олинган мусиқий файлларни ёки ўзлари ижро этган куйларни ёзиб олиш имконига эгадирлар.

Шуниси диққатга сазоворки, Disklavier WiFi радиоканали ёрдамида интернетга симсиз улана олади.



## Янгича ишлаш

## шарофати

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш натижасида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда электрон почта, интернет тармоғига уланиш, электрон пул жўнатмалари хизматларини кўрсатишни яратиб берувчи корпоратив тармоқ фаолият кўрсатмоқда.

Электрон пул жўнатмалари тизимига 106та почта алоқаси объекти уланган. 281та алоқа бўлими замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизматларнинг янги турларини кўрсатиш учун компютерлаштирилди, улардан 143таси "Ўзбектелеком" АК филиалларининг биллинг тизимига онлайн тартибда уланди.

Почта соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жойларда янги хизмат турларини кенг тарғиб қилишда муҳим омил бўлмоқда. Буни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.

3-БЕТ

## Ушбу сонда

Раҳбарлар малака оширишмоқда

2-БЕТ

Nokia ва компютер

4-БЕТ

Ключевые моменты ближайшего мобильного десятилетия

6-БЕТ

Антарктидада интернет

11-БЕТ

Орзуларим мўл

12-БЕТ

180 минг долларлик калит

14-БЕТ

«Пахтакор» ярим финалда

15-БЕТ



Кенг қамровли суғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юкори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN —  
JUMAGACHA

✓ Президент Ислам Каримов 18 январ куни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан ташкил этилган ҳарбий хизматнинг замонавий шарт-шароити ҳамда мамлакатимиз Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг тураржой таъминотига бағишланган кўргазма экспозицияси билан танишди.

Президентимиз мутасаддиларга ушбу кўргазма экспозицияси ва стендларини янада такомиллаштириш, уни бошқа ҳудуд ва ҳарбий округларда ҳам намойиш этиш юзасидан зарур топшириқлар берди.

✓ 23 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Ҳамдамович Халиловни саломатлиги туфайли берган аризасига биноан эгалаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси раҳбари Дилором Фафуржонова Тошмухамедованинг номзоди депутатлар муҳокамасига қўйилди.

Яширин овоз бериш натижасига кўра, Д.Ф.Тошмухамедова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери этиб сайланди.

✓ "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли" мавзусида анжуман ўтказилди.

Мазкур тадбир Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари кўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

✓ Яқинда Белгия ва Голландияда сайёҳликка ҳамда саёҳат сафарлари ташкил этилишига бағишланган йирик аънавий халқаро тадбир бўлиб ўтди. Унинг доирасида Голландиянинг Утрехт шаҳрида очилган "Vasantiebeurs-2008" 37 халқаро сайёҳлик кўргазмасида миллий сайёҳлик вазирлиги ва идораларининг, йирик сайёҳлик компаниялари, 80дан ортиқ мамлакат авиакомпанияларининг вакиллари иштирок этди. Мазкур тадбирга 200 минг нафардан зиёд киши ташриф буюрди.

Ўзбекистон сайёҳлик имкониятлари Голландиядаги йирик сайёҳлик компаниялари — "Djoser", "Passaat verre reizen", "Baobab Reizen", "Eurocult Lito Reizen" ва "Asia Travel" томонидан намойиш этилди.

✓ Ёшлар йили муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида ёш истеъодларининг хайрия концерти ўтказилди.

Хайрия концертида халқаро танловлар ҳамда жамғарма томонидан ўтказиб келинаётган "Янги авлод" болалар ижодий фестивалининг 16 нафар совриндори жаҳон мумтоз мусиқалари ва ўзбек бастакорларининг асарларини ижро этишди.

21 январ куни Тошкентдаги Инженер-техник маркази (ИТМ)да "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси филиаллари раҳбарлари учун малака ошириш курси иш бошлади.

## Раҳбарлар малака оширишмоқда



Маълумки, мамлакатимизда аҳоли ва ташкилотларга замонавий технологиялар асосида янги шаклдаги алоқа хизматларини кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Албатта, бу борада ишни тўғри ташкиллаштириш, катта сармоя эвазига чет элдан келтирилган техникалардан сифатли ва унумли фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш масъулияти биринчи галда жойлардаги корхона раҳбарлари зиммасига тушади. Демак, улардан қўл остидаги ходимлар учун нафақат раҳбар сифатида, балки сўнгги технологиялар, замонавий телекоммуникациялар бозорининг етук билимдони сифатида ҳам намуна бўлишлари талаб этилади.

Январнинг сўнгги ўн кунлигида иш бошлаган бир ҳафталик малака ошириш курси ҳам юқори-

даги талаблардан келиб чиқиб ташкиллаштирилди. Филиаллар директорлари телекоммуникациялар тизимида ISO 9001 стандартининг роли, уни жорий этишда юзага келувчи асосий муаммолар, сифат менежменти тизими, оптик транспорт тармоқларини ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари, корпоратив ва хусусий мижозларга телекоммуникация хизматларини сотишни бошқариш, мижозлар билан ишлаш, Huawei'нинг мобил хизматлар (WLL), кенг полосали улиниш (WiMax), IP ва бошқа йўналишдаги технологиялари, шунингдек, кадрларни бошқаришда замонавий технологиялардан фойдаланиш, бу борада раҳбарнинг роли, молиявий ресурслар ва таҳлил, молиявий бошқарушни шакллантириш

стратегияси, даромадлар ҳисобини юритиш каби турли мавзуларда маърузалар тинглашди.

Малака ошириш курси 26 январ куни якунланади ва унинг қатнашчиларига тегишли сертификатлар топшириш режалаштирилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, январ ойида ИТМ мутахассислари бундай тадбирлардан бир нечтасини ўтказишга улгуришди. Унда оддий ходимлардан тортиб, шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари раҳбарларигача, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилари ҳам қатнашишди.

Собит АҲАДОВ,  
«Хабар» мухбири

## Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти кўргазмаси

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик ҳукуматлараро комиссиясининг 3-йигилиши доирасида шу йилнинг 31 январ – 2 феврал кунлари Туркменистон пойтахти Ашхабод шаҳрида Ўзбекистон Республикаси экспорт салоҳияти кўргазмаси ўтказилади.

Ушбу кўргазмада республикамизнинг турли соҳалари ва йўналишларида кўрсатилмаётган хизматлар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва эришилётган ютуқлар намуналари намойиш этилиши белгиланган. Шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ютуқлари намойиши ҳам кўргазма дастуридан ўрин олган. Хусусан, кўргазмада мамлакатимиз АКТ бозорига ўз ўрнига эга бўлган "Ўзбектелеком", Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, UZINFOCOM, Baik Technologies, Intelligent Solutions, NewMaxtech, UCD MICROS, "КОИНОТ", "Ўзбектелеком Мобайл" компаниялари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университети, Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш ва қайта тайёрлаш маркази иштирок этиши кутилмоқда.



YANGI XIZMAT TURLARI

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Бугунга келиб, олис қишлоқларимиздаги почта алоқаси тармоқлари ҳам компьютерлаштирилган. Электрон почта, телефон алоқаси, электрон пул жўнатмалари, жўнатма жўнатиш, курерлик, интернет хизматларига талаб кучаймоқда. Аҳолига гибридна почта, интернет-обуна, интернет-дўкон, совғаларни тегишли манзилга элтиб бериш, банк ва кредит каби турли хизматлар йўлга қўйилишига ҳам оз қолди.

"Фаргона почтамати"га кирсангиз, бир назар ташлаб оқ ҳаёт ва турмуш тарзимиздаги ижобий ўзгаришларнинг инъикосини кўрасиз. Бу ердаги реконструкция ишларига 39 млн. сўм сарфланди. Кенг, ёп-ёруғ хоналар. Газета-журнал, хатжилд, ойнахат, жўнатмалар, коммунал хизматларга тўловлар каби бўлимлар одамлар билан гавжум. Чиройли ёзилган нархномалар осиб қўйилган. Очқичеҳра, хушмуомала ходимларнинг махсус либослари ўзларига ярашган. Ҳар ишда чاقқонлик ва пухталиқ кўзга ташланади.

— Энгимиздаги бу либоснинг масъулияти каттагина, биз унга шифокорлар оқ халатига қандай қараса, шундай қараймиз, — дейди соҳада чорак асрдан буён хизмат қилиб келаётган оператор Муҳаббатхон Файзиёва. — Унга доғ туширган одам бу даргоҳда ортиқ бир кун ҳам ишламайди...

Оператор Насиба Мамадалиева ҳам қувончини баҳам кўрди:

— Айни вақтда либосимизга ҳавас билан қараб қўяётганларини ҳис этиб, фахрлилик кетаман. Ахир бу — ишонч, бу ҳурмат ва масъулиятдир.

Дарҳақиқат, филиал Фаргона шаҳар почта алоқаси тармоғининг ишлаб чиқариш участкасида эришилаётган муваффақиятлар диққатга сазовор. Электрон жўнатмалар

бўлимида ўтган йили қарийб 28 млн. 900 минг сўмлик даромад олиниб, режа 120 фоизга адо этилди. Сугурта бўлимида ўтган йилги режа 104, курьерлик бўлимида 102, со-

ва режа 132,2 фоизга уддаланди. Умуман, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали фаолиятига диққат қилинса, даромадларни ошириш йўлидаги интилишлар то-

қулай шарт-шароитлар яратилаётгани шарофатидир. Барча қишлоқлардаги алоқа бўлимлари компьютерлар, факс, нусха кўчириш техникалари билан таъминланган.

Филиал йиллик обуна ташкил этиш бўйича ҳам салмоқли натижага эришди. 262 минг 662та газета-журналга обуна (356 млн. 223 минг сўмликдан зиёд) ташкил этилди. Бу ҳам катта саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Қисқаси, "Яхши ишлаганга эҳтиром" шиори остида фаолият кўрсатиш кўп эзгу ишларга тамал тошини қўймоқда. Бугун Бағдод туманидаги "Бағдод-1" алоқа бўлими хабарчиси Бахтиёржон Икромов беҳад хурсанд. Чунки, ўз вазифаларини астойдил бажаргани инобатга олиниб, унга велосипед топширилди. Беш йиллик тажрибага эга ёш хабарчи Ёшлар йилини қалбида ёрқин келажакка ишонч ҳисси билан кутиб олди. Филиал бўйича велосипед олган 16 нафар хабарчи машаққатли меҳнатлари учун минг марта рози бўлди. Рағбатда ҳикмат кўп. Қува, Ўзбекистон ва Данғара каби шаҳар ва туманларда коммунал хизматлар тўловини йиққанлари учун почта ходимларига мукофотлар берилмоқда. Масалан, Қува туманида 2007 йилда 37 млн. сўм мукофот берилди. Филиал бўйича бу кўрсаткич 75 млн. сўмга етди. Яқинда барча шаҳар ва туманларда ҳам шундай рағбатлантиришлар жорий этилади. Демак, муваффақиятлар янада кўпаяди.

Ҳафиза САЛҲОВА,  
"Xabar"нинг Фаргона  
вилоятидаги мухбири

Муаллиф олган суратлар.

# Янгича ишлаш шарофати



**БУЛАРНИНГ БАРИ ИШЛАШ УЧУН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАЁТГАНИ ШАРОФАТИДИР. БАРЧА ҚИШЛОҚЛАРДАГИ АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ КОМПЮТЕРЛАР, ФАКС, НУСХА КЎЧИРИШ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН.**

тув бўлимида 185, обуна бўлимида 217 фоизга бажарилди.


Фаргона шаҳар почта алоқаси тармоғи бўйича умумий даромад режаси 2006

йилда 325 млн. 660 минг сўм қилиб, 109 фоизга бажарилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 449 млн. 404 минг сўмдан зиёдни ташкил этди

бора кучайиб, ривожланиш сари дадил олға борилаётгани маълум бўлади. Филиал бўйича 2007 йилда 3 млрд. 157 млн. сўмдан кўп даромад олинди. Соф фойда олдидан қилинган ҳисоб-китоблар бўйича 2 млрд. 770 млн. сўмга етди.

Буларнинг бари ишлаш учун

**ТАХРИРИЯТДАН:** Алоқа ва ахборотлаштириш тизими корхона ва ташкилотларида янги хизмат турларини ташкил этиш бугуннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Сизнинг корхонангизда бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда? Қандай янгиликлар, тажрибалар синовдан ўтмоқда? Фикр-мулоҳазаларингизни биз билан ўртоқлашасиз, деган умиддамиз.



2008-YIL — YOSHLAR YILI

Билимга чанқоқ истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир.

И.КАРИМОВ

## Иқтидорлилар эътиборда

Иқтидорли талабаларни танлаб олиш ва мақсадли тайёрлаш, иқтидорли талабалар гуруҳларини шакллантириш, чет тиллари, информатика ва махсус фанларни янада чуқур ўрганиш учун шароит яратиш, ёшларни давлат, ҳўжалик ҳисобидаги илмий-тадқиқот ишларига ва алоқа корхоналарида, университет кафедралари ва бўлимларида ишлаш учун тайёрлаш мақсадида ўқув юртимизда Иқтидорли талабалар ишини ташкил этиш бўлими тузилган. Ҳар ўқув йили бошида ушбу бўлим талабаларни танлаб олиш ва мақсадли тайёрлаш бўйича иш олиб боради.

Ушбу ишлар натижасида

иқтидорли талабалар Давлат грантларини олиш учун ўтказилган танловларда, фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб келмоқда. Жумладан, дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг "Middle Asia" минтақасида чорак финал мусобақаси олдидан Урганчда 2007 йил 7-10 сентябрда ўтказилган "Ал-Хоразмий-2007" ҳудудий танловида, октябр-ноябрда ТАТУ базасида ўтказилган жаҳон чемпионатининг чорак ва ярим финал мусобақаларида 3-4-босқич талабалари Нодир Назаров, Мақсуд Холмуродов, Илҳом Алмановлар совринли ўринини эгаллашди. 3-босқич талабаси Сардор Донаев ТАТУ

қошидаги Жавоҳарлаъл Неру хинд-ўзбек ахборот технологиялари марказида малака ошириб, сертификатга эга бўлди. 4-босқич талабаси Дилафрўз Нуржабова Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг, Илҳом Алманов эса Ўзбекистон радио-техника, электроника ва алоқа илмий-техника жамиятининг стипендиясига сазовор бўлди. Шунингдек, ёшларимиз интеллектуал ўйинларда, илмий анжуманларда фаол қатнашиб келишмоқда.

Иқтидорли ёшлар юртимиз таянч, истиқболи. Шу боис, уларни қўллаб-қувватлаш доимо эътиборимизда.

## TUIT ҒОЛИБ

Ватанимиз келажаги бизнинг қўлимизда. Кўрсатилаётган эътибор, ишонч бизни чуқур билим олишга чорламоқда.

Қарши шаҳрининг "Ёшлар маркази"да "Тафаккур" интеллектуал ўйини ташкил этилди. Вилоятимиздаги барча олий ўқув юрлари, ҳарбий қисмлар жамоалари иштирок этган бу тадбирда университетимизнинг "TUIT" жамоаси биринчи ўринга сазовор бўлди. Бизнинг мақсадимиз бундай тадбирларни мунтазам ўтказиб бориб, дунёвий билимларимизни юксалтириш, республика миқёсида бўлиб ўтаётган интеллектуал ўйинларда тенгдошларимиз билан бахslashиш.


2008 йил - Ёшлар йили деб эълон қилиниши биз ёшларга катта масъулият қўлайди ва ушбу ишонччи ҳар томонлама оқлашга ҳаракат қиламиз.

Феруза ОЧИЛОВА,  
ТАТУ Қарши филиали  
1-босқич талабаси



НАВОИЙХОНЛИК

Йигитликда йиғ илмининг маҳзани,  
Қарилик чоғи харж қилғил ани.



Алишер НАВОИЙ

Феруза УСМОНОВА,  
ТАТУ Қарши филиали  
Иқтидорли талабалар  
бўлими бошлиғи

## XALQARO HAYOT

## БААда ВОДОРОД

## ЭЛЕКТРОСТАНЦИЯСИ ҚУРИЛАДИ

"Reuters" хабарида айтилишича, Бирлашган Араб Амирликларида умумий қиймати 15 миллиард долларлик дунёда энг катта водород электростанцияси курилади.

БАА ҳукумати вакилининг сўзларига кўра, курилиш ишлари жорий йилнинг февралдан бошланади. Лойиҳа ишларида хусусий корхоналар билан бирга, "Масдар" давлат компанияси иштирок этяпти. Электростанция куриладиган жойда 15 минг аҳолига мулжалланган шахарча ҳам барпо этиш кўзда тутилган.

## ИНГУШЕТИЯДА ПОРТЛАШ

Ингушетиянинг Назран туманида миналаштирилган автомобилнинг портлаши натижасида бир одам ҳалок бўлган, уч киши турли даражада жароҳатланган.

Маҳаллий расмийларнинг маълумотига кўра, "Жигули" русумли машина туманининг Муталиев кўчасида, "Тей-Мах" тикувчилик бирлашмасига яқин жойда портлаган. Портлаш жойи қаршисида миграция хизмати биноси жойлашган. Портлаш камикадде ҳайдовчи томонидан амалга оширилган. Ҳалок бўлган ҳайдовчининг ҳужжатлари топилган. У Доғистонда яшовчи шахс бўлиб, тезкор ходимларнинг айтишича, Ингушетияга теракт содир этиш мақсадида келган.



## ЧАВЕС КОКА

## БАРГИ ЧАЙНАЙДИМИ?..

Венесуэла муҳолифатчилари мамлакат президенти Уго Чавесни наркотик моддалар тарғиботида айблаган ҳолда, Чавесдан токсиколог тест ўтказишни талаб қилишди.

Гап шундаки, президентнинг кока япроғини чайнашга ишқибозлигини очиқ тан олгани муҳолифатга қўл келган. Уго Чавес кока унга қўшимча қувват беришини айтиди. Сал аввалроқ эса Чавес "ҳар куни эрталаб кока чайнаши аъло кайфият бағишлашини" маълум қилган эди.

Эслашиб ўтамиз, кока нафақат озиқ-овқат санъатида, балки кучли таъсир қилувчи наркотик модда ишлаб чиқариш учун ҳам ишлатилади.

## АУКЦИОНДА ДИКТАТОР

## "Alfa Romeo" СИ

The Times газетасининг ёзишича, бир вақтлар Бенито Муссолинига хизмат қилган Alfa Romeo спорт автомобили аукционга қўйилган.

Alfa Romeo италян диктаторига 1935 йилда автоконцерн томонидан Буюк таназзул вақтида инқироздан сақлаб қолгани учун миннатдорчилик рамзи сифатида совға қилинган эди. Ушбу автомобилнинг 800 минг фунт (1,55 миллион АҚШ доллари)га сотилиши кутилмоқда.

Икки ўриндикли қизил Alfa Romeo 6C 2300 Pescara Spyder Муссолини учун махсус йиғилган эди. H&N Classic Auctions савдо уйи бошлигининг сўзларига кўра, машина ягона нусхалиги билан аҳамиятлидир. "Автомобил Италия чегарасидан ташқарига чиқмаган, мана энди уни Англияга келтиришди ва ушбу тарихий мулкни сотиб олиш имконияти кимгадир nasib қилади", деган у.

Жами 6C 2300 Pescara Spyder моделидаги 60та Alfa Romeo ишлаб чиқарилган. H&N Classic Auctions маълумотига кўра, дунё коллекционерлари ноода-тий савдога катта қизиқиш билан қарамоқда.

Интернет материаллари асосида  
Усмонжон ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади


## ДИҚҚАТ: ЯНГИ РУКН

Компютер ва мобил телефонлардан тўлақонли фойдаланишимизни таъминловчи восита бу – дастурий маҳсулотлардир. Агар компютеримизда суратларга ишлов беришни истасак Adobe Photoshop дастурини ўрнатишимиз талаб этилади. Шу каби ҳар бир вазифа учун алоҳида дастурий маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда компютер ёки мобил телефон фойдаланувчиларига янги имкониятлар ва қулайликлар яратиш мақсадида турли хил дастурлар тайёрланмоқда. Газетамизнинг ушбу сонидан бошлаб DASTURIY MAHSULOTLAR руқни остида шундай дастурлар, уларни ишлатиш тартиби ва қулайликлари ҳақида мақолалар бериб борамиз.

## Nokia va КОМПЬЮТЕР

Орамизда Nokia русумли телефонлардан фойдаланувчилар кўпчиликини ташкил этади. Агар сизга суратга олиш, муסיқа эшитиш ёқса, зарур маълумотларни телефонингизда сақлашни одат қилган бўлсангиз, Oхуген Express дастури сизга жуда ҳам қўл келади. Унинг ёрдамида телефонингиздаги маълумотларни махсус бўлимларда ёки компютерда осонгина сақлашингиз ва керак пайтда уларни қайта тиклашингиз, бир телефондан иккинчисига ўтказишингиз, янги мултимедиа файлларини кўчириб олишингиз мумкин.

Келинг, Oхуген Express дастури ёрдамида телефон билан қандай ишлаш кераклигини кўриб чиқамиз.



(1-расм.)


Биринчи навбатда, албатта, созлаш (настройка)дан бошлаймиз. Аввало, телефонни компютерга улаш усулини аниқлаб олиш керак. Сунг маълумотларнинг захира нусхаси ёзиладиган папка ва уни ташкил қилиш услуби (одатда телефон русуми рақами ва санаси фойдаланилади) танланади. Ушу базавий созлашдан ташқари яна айрим кенгайтирилган ўрнатишлар ҳам қилиш керак (1-расм). Бу телефонингиз русумига ҳам боғлиқ.

Кенгайтирилган ўрнатишлардан фойдаланиб, сиз телефонингизнинг ўзида истаган маълумотни сақлаш имконини берувчи маълумотлар бўлимларини танлашингиз мумкин. Бу вақтинча керак бўлмаган, кейинчалик фойдаси тегиб қолиши мумкин бўлган файлларни сақлаш учун жуда қулайдир. Бу ерда сақланган маълумотлардан фойдаланиш учун парол ўрнатиш керак. Шунингдек, ушбу парол захира нусхадаги маълумотларни қайта тиклашингизга ёрдам беради.

Телефонни биринчи мартаба ёққанингда дастур захира нусха тузишни таклиф этади. Бу таклифни рад этиш ҳам мумкин, лекин ушбу амални бажарган маъқул. Қолаверса, бу кўп вақтингизни олмайди. Энг асосийси, телефонингиз хотирасидаги маъ-

**Тахририятдан:** Меҳнатимизни энгиллаштириш ва унумдорлигини ошириш мақсадида тузилган дастурий маҳсулотларнинг бугунда сон-саногини йўқ. Ҳар бир соҳа вакили ўз фаолиятида керакли бўлган дастурдан фойдаланади. Сиз ҳам қайсидир бир дастурий маҳсулот имкониятидан фойдаланган ва унинг қулайликларини ҳис қилган бўлишингиз мумкин. Балки сизда шундай дастурлар ҳақида янги маълумотлар бор ва бу ҳақда бошқалар билан фикр алмашиш ниятидасиз? Унда янги ташкил этган руқнимиз ўз фикр-мулоҳазаларингизни баён этишингиз учун сизга хизмат қилади.

Қолаверса, мамлакатимизда дастурий маҳсулотлар соҳаси жадал ривожланмоқда. Дастурлаш билан шуғулланувчи компаниялар ва мутахассислар сони тобора ортиб бораётди. Узи тайёрлаган дастур ҳақида кенг оммани хабардор қилиш ёки тажрибалари билан ўртоқлашиш истагиди бўлган мутахассислар билан ҳам ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.



(2-расм.)

лумотлар ҳақида ташиш тортмайси. Маълумотлар махсус формат файлида сақланади ва улардан нафақат Oхуген Express, балки Oхуген Phone Manager дастурида ҳам фойдаланиш мумкин бўлади.

Дастур ойнаси бир неча элементлардан иборат. Бажарилаётган ҳар қандай амал иш ойнасида акс этиб туради ва ҳамма жараённи кузатишингизга ёрдам беради (2-расм).

Агар маълумотлар сақланган бўлса, уларни истаган пайтда қайта тиклашингиз мумкин бўлади. Бунинг учун керакли амал, сунг эса зарур файл танланади. Натихида маълумотларнинг қайта тиклашини рўй беради.

Телефонингизни алмаштиришни истаган вақтингизда ҳам ушбу дастур яхши ёрдам беради (бир шарти – эски телефонда ҳам, янгида ҳам Oхуген Express ўрнатиш бўлиши керак). Маълумотларни бир телефондан иккинчи телефонга ўтказиш учун "маълумотларни узатиш" махсус амалидан фойдаланилади. Жараён икки босқичда кечади: аввалгига эски телефон ёқилади, маълумотлар сақланади, кейин янги ёқилиб, маълумотлар унга кўчирилади. Кўриб турганингда, ҳаммаси жуда оддий.

Дастурнинг яна бир вазифаси мавжудки, ундан эҳтиётлик билан фойдаланиш талаб этилади. Бу – тозалаш функцияси. Унинг ёрдамида телефонда сақланган маълумотларни бир вақтингиз ўзида ўчириб ташлаш мумкин. Телефонни сотиш ёки совға қилиш зарур бўлиб қолганда, дастурнинг бу функцияси жуда қўл келади. Ахир, шахсий маълумотларни кимнингдир қўлига бериб юборишни ҳамма ҳам иставермайди.

Нихоят, Oхуген Express дастурининг яна бир имконияти – телефонга мултимедиа файллари ва ўйинларни кўчириб олишнинг қулайлигидир.

Лутфилло ТУРСУНОВ


ALOQA KORXONALARIDA

# Берунийлик алоқачилар


Беруний тумани Абу Райхон Беруний, Султон Воис бобо каби буюклари билан оламга номи кетган улуг диёрдир. Бу туман халқи бағрикенг, кувноқ ва меҳнатсевар кишилар. Туман алоқачилари аҳолининг алоқа соҳасига бўлган талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

— Ҳозирда туманимиздаги 4115 абонентга телефон хизмати кўрсатмоқдамиз. Боғламамизда қўшимча даромадлар олиш бўйича ҳам ишлар яхши йўлга қўйилган, — дейди туман телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Эгамберди Ибодуллаев. — Аҳолининг қўшимча хизматларга бўлган талаби ҳам ортиб бормоқда. Булардан ташқари, ўтган йилнинг июл ойидан бошлаб интернет-кафе хизмат кўрсатишни бошлади. Ходимларимизнинг ҳам шижоати баланд, чунки уларнинг ойлик иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкони кенгаймоқда.

**ШАКАР МАТМУРАТОВА**  
**ХИСОБОТЛАР БИЛИМДОНИ**  
Шакар опа 1970 йил 8 июндан буён ҳисоб бўлимида ишлаб келмоқда. “Бу ерга дастлаб ҳисобчи бўлиб ишга кирган эдим, — деди биз билан суҳбатда Шакар опа. — Ўн йил ишлаб тажриба орттиргач, 1980 йилдан бош ҳисобчи бўлиб ишлаб келяман. Бундай қараганда, ҳисобчилик иши фақат рақамлардан иборатдек кўринади. Аслида, ҳар бир рақам ортида боғламада меҳнат қилаётган инсонлар тақдири, корхонанинг келажаги ётади. Ҳисобчи ишида энг муҳим масала ҳисоб-китобнинг тўғри йўлга қўйилишидир. Шунингдек, тезкор ҳисобларни ўз вақтида олиб бориш лозим.



АТС муҳандислари Эркабой КАРИМОВ ва Ботир ИБРОҲИМОВлар ўз касбини жуда қадрлашади.



Шаҳар ва шаҳарлараро сўзлашув маскани.

Ҳисобини билмаган ҳамёнидан ажралиши ҳеч гап эмас.

Шакар опанинг ҳалол меҳнатлари муносиб баҳоланиб, 2001 йили “Ўз касбининг устаси” белгисига сазовор бўлган.

**АХБОРОТ ОЛАМИ САРИ**

Юқорида таъкидланганимиздек, Интернет-кафе ўтган йилнинг июл ойидан бошлаб туман аҳолисига хизмат кўрсата бошлади. Унга Тошкент ахборот технологиялари университетини тугатган Бахтиёр Аширов раҳбар қилиб тайинланди.

— Интернет-кафенинг очилиши, — дейди Умар Аширов, — туманимиз аҳолисига дунёдаги масофа билмайдиган кенг ахборот дунёсини очиб берди. Мижозларимиз арзон тарифлар орқали турли-туман мавзудаги маълумотлар билан тез вақт ичида танишиш имкониятига эгадирлар. “Пентиум-4” компьютерлари ўрнатилган, келгусида ҳам энг сўнги русумдаги компьютерлар ўрнатишни режалаштиряп-



Шакар МАТМУРАТОВА иш устида.

миз. Бу билан ахборот оламига янада кенг йўл очган бўламыз.

**ЮКСАК МАЪНАВИЯТ,**  
**ЮКСАК МАЪРИФАТ**

Боғламада маърифат ва маънавият масалаларига ҳам катта эътибор берилиб келинмоқда. Маънавият ва маърифат ҳонасидаги республикамизда чоп этилаётган газета ва журналлар, Юртбошимизнинг иқтисодийетимиз ва маънавийетимизга оид рисола ва маърузалари чоп қилинган китоблар маъмуаси ходимлар ихтиёрида.

Телекоммуникациялар боғламаси муҳандислари Эркабой Каримов, Ботир Иброҳимовлар ўз ишлари ҳақида мароқ билан гапирадилар. Касбига садоқат ва меҳр бериб ишлаётган ушбу аҳил жамоа ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**Раҳимжон БОЛТАБОВ,**  
**“Хабар”нинг Қорақалпоғистондаги муҳбири**



Туман телекоммуникациялар боғламаси биноси.

НАМКАСЛАРИМИЗ

Иккинчи гуруҳ ногирони Ҳамдам Абдуазимов Гулистон туманининг энг чекка Ҳамид Олимжон қишлоғида истиқомат қилади. Айрим вақтларда пенсияси жуда кечикиб келарди. Туман ижтимоий таъминот бўлимига бориб келай деса, имкон тополмайди: йўл узок, айланма, икки-уч марта уллов алмаштиришга тўғри келади. Онаси Тожихон опа эса уй-рўзгор юмушлари билан овора.

## ҲИММАТ

Тожихон опа қишлоқ почта алоқаси бўлими ходимаси Татьяна Ўзбековага мурожаат қилиб, ногирон ўғлининг пенсияси нега кечикаётганини сабабини аниқлаб беришини сўради. Татьяна илтимосни рад этмади. Ваҳоланки, бу каби ишлар почта ходимларининг вазифалари доирасига кирмайди. Лекин почтачи Татьяна Ўзбекова ушбу оиллага ёрдам беришга отланди. Туман ижтимоий таъминот бўлимига кириб борди, масалани ойдинлаштириб, ижобий ҳал қилди. Натижада Ҳамдамбек пенсиясини ўз вақтида ола бошлади.

Татьяна Ўзбекова ҳаётида бундай мисоллар кўплаб топилади. Қишлоқ аҳолиси ўз муаммолари юзасидан кўпинча унга мурожаат қилишади. Сабаби, туман маркази, одамларнинг иши тушадиган муассаса ва ташкилотлар 40 километр йироқда.

Тўғри, барча муаммоларни ҳал этиш ҳар доим ҳам Татьянанинг қўлидан келавермайди. Лекин имкон қадар ҳамқишлоқлари оғирини енгил қилади. Тақдирнинг тақозоси билан боқувчисиз қолган Мария Дворцовага ҳам худди ўз онасидек ғам-хўрлик қилиб келяпти. У Мариюга нафақат пенсия пулини келтириб беради, балки унинг учун озик-овқат, дори-дармон харид қилади, ҳовлиси ва уйини саранжом-сарришта сақлашда ҳам кўмаклашади.

— Алоқа бўлимида ходимлари, — дейди биз билан суҳбатда Т.Ўзбекова, — деярли барча маҳаллалардаги хонадонларда тез-тез бўлиб туришади. Атиги уч кишимиз, лекин 8та маҳалла, тўртта мактаб, учта болалар боғчаси, иккита даволаш масканига хизмат кўрсатамиз. Пенсия ва нафақалардан ташқари, қишлоқ аҳлига даврий нашрлар, хат-хабарлар, билдиришномаларни етказиб берамиз, коммунал хизматлар учун тўловларни ҳам қабул қилиб, тегишли идораларга топшираемиз.

Базьда қишлоқдошлар эътирозлар ҳам билдириб қолишади. Масалан, гоҳида электр чироклари ўчиб қолади ёки трансформатор ишдан чиқади, газ босими паясийб хонадонларга етмайди. Бундай ҳолларда қишлоқ фуқаролар йигини вакиллари билан мазкур хизматларга масъул идораларнинг раҳбарларини хабардор қилишга ҳам тўғри келади.

Алоқа бўлимида почтачилар меъёрида ишлашлари учун керакли шарт-шароитлар яратилган. Бу ерга “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сирдарё филиали раҳбарлари ва масъул ходимлари тез-тез келиб туришади, ишларида амалий ёрдам кўрсатишади.

Биз эл хизмати йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган Татьяна Ўзбекова бошлиқ алоқа бўлими ходимлари ишларига ривож тилаймиз.

**Азимбек ДЎСТМАМатов**  
**Сирдарё вилояти**

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодийетининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устуңлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси.



## Трибуна специалиста



# НАВИВНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА ВОЛС

(Начало в №2,3.)

Отдельного внимания заслуживает подвешивание оптоволоконного кабеля на опорах ЛЭП. Здесь имеется четыре возможности:

- использование специального грозозащитного троса с встроенным оптоволоконным кабелем;
- подвешивание самонесущего кабеля между опорами;
- навивка кабеля на фазовый или грозозащитный провод;
- подвеска кабеля к фазовому или грозозащитному проводу.

Включение кабеля в грозозащитный трос, который является обязательным элементом любой ЛЭП, — одно из самых надежных и долговечных решений (Срок службы грозотроса до 60 лет). Однако и стоимость грозозащитного троса со встроенным оптоволоконным кабелем, и стоимость его монтажа сравнительно велика. На сегодняшний день на рынке телекоммуникаций стран СНГ и в Узбекистане имеется несколько конструкций подобного рода (подвесные переходы ВОЛС через реку Сырдарья и Сангзар, линии ВОЛС в грозотросе на ЛЭП 500кВ на участке «Таш-ГРЭС — подстанция Янгибазар» и далее на НовоАнгренскую ГРЭС). На создание различных дизайнов включения оптического кабеля в грозотрос повлияли множество факторов, обусловленных в первую очередь жесткой конкуренцией и требованиями к технологии производственных процессов. Все дизайны должны удовлетворять основным требованиям, механическим и электрическим, к грозозащитным тросам и к волоконно-оптическим кабелям.

С другой стороны, концепция дизайнов, разработанных под влиянием требований производителей, ставит своей целью замену повива в тросе на трубку из нержавеющей стали с встроенным внутри оптическим волокном.

Главным фактором при проектировании нового грозотроса со встроенным оптическим кабелем является гарантия того, что волокна будут не напряжены в течение всего срока эксплуатации кабеля, и летом и зимой.

Другой важный аспект - это то, что при монтаже такой конструкции необходимо иметь соответствующую арматуру, и методу подвески на опоры ЛЭП. Использование несоответствующих нормативным требованиям креплений может повредить конструкцию кабеля и повлиять на пропускную способность волокон из-за возникающих макро и микро изгибов.

Поэтому использование грозозащитного троса с оптоволоконной начинкой оказывается особенно эффективным при строительстве новых ЛЭП.

Кроме того, на ЛЭП до 35 кВ грозотрос не используется, в связи с этим применение данного способа прокладки невозможно при строительстве местных сетей связи и затруднено при строительстве внутризоновых сетей связи. Выходом из этой

ситуации может служить включение оптического кабеля в фазовый провод.

Опыт многих проектов в различных странах мира показал, что оптические кабели самонесущие, неметаллические (кабели марки ADSS) являются весьма привлекательной возможностью превращения воздушной линии электропередачи в линию связи. Смысл их применения традиционными операторами связи заключается в том, что такое решение «разделяет» собственность — кабель не является неотъемлемой частью линии электропередачи и подвешивается ниже фазовых проводов. Это является преимуществом, так как многие традиционные поставщики услуг связи хотят иметь свой, отдельный от энергосистем кабель. Одним из наиболее важных решений при разработке технического проекта линии связи на самонесущем кабеле является выбор кабеля соответствующего дизайна, который мог бы выдерживать различные напряжения, возникающие в кабеле в процессе эксплуатации.

Важными характеристиками дизайна являются допустимые внешние механические нагрузки, такие как ветровая, гололедная и нагрузка собственного веса. При разработке подобного проекта важно понять эффект наведенных на самонесущем кабеле токов и напряжений, возникающих под действием соседних фазовых проводов. Это требует глубоких знаний о материалах, из которых изготовлен кабель, и умения правильно рассчитать точку подвески оптического кабеля, чтобы минимизировать наведенные токи без уменьшения расстояния кабель - земля или увеличения риска контакта кабеля с проводом. Обычно для успешного монтажа самонесущего кабеля необходим полный электрический анализ, включая чертежи поля. В качестве силовых элементов кабеля обычно применяют арамидные нити и/или стеклопластик. Из-за возникающей индукции от подвешенных параллельно фазовых проводов применение металлических силовых элементов не рекомендуется. Наиболее распространенный дизайн имеет отдельные свободные или ленточные волокна, уложенные в паз или трубку. Паза и трубки заполнены защитной смазкой. Теоретически можно разработать кабель для «бесконечной длины» пролета из-за его легкости, однако, для пролетов длиной более 500 м самонесущий кабель выпускают редко, поскольку цена на кабель растет логарифмически с увеличением количества используемых арамидных нитей. Кабель удобно подвешивать и стыковать, число волокон укладываемых в сердечнике может достигать 96. Также очень важно иметь в виду, что, только используя специальную арматуру, можно обеспечить надежную работу кабеля.

(Продолжение следует.)

**Байсит УТАБАЕВ,**  
директор дочернего предприятия  
ЦНТМИ «ALOQA VA TOZA ENERGIYA  
TEKNOLOGIYALARI»

## Новости в сфере ИКТ

### АСМ ВЫЛОЖИЛА В ИНТЕРНЕТ КЛАССИЧЕСКИЕ КНИГИ

Ассоциация вычислительной техники АСМ выложила в открытый доступ на своем сайте более десятка классических книг по теории вычислительных машин и систем.

Бесплатно с сайта Ассоциации вычислительной техники, в числе прочих, можно скачать работы таких авторов, как Пер Бринч Хансен, Сеймур Пейперт, Эдель Голдберг и др. Кроме того, АСМ выложила отдельные публикации компаний Apple и IBM. Желающие, в частности, могут ознакомиться с руководством по созданию пользовательского интерфейса «Маков» и узнать о принципах работы систем IBM System/360. Публикации датируются 1958-1995 годами.

### САМЫЙ МОЩНЫЙ СУПЕРКОМПЬЮТЕР ВЕЛИКОБРИТАНИИ

В Великобритании введен в строй самый мощный в стране суперкомпьютер под названием HECToR.

Система HECToR установлена в Эдинбургском университете и обладает производительностью порядка 60 терафлопс (триллионов операций с плавающей запятой в секунду). Такое быстроедействие помещает её на четырнадцатую или пятнадцатую строку ноябрьского списка пятисот мощнейших суперкомпьютеров мира Top-500. Впрочем, до IBM Blue Gene/L, обладающего быстродействием 478,2 терафлопса, HECToR пока далеко.

Использовать комплекс HECToR планируется для моделирования мирового океана, проведения исследований в области атомной физики, медицины, а также для моделирования природных катаклизмов. Кроме того, суперкомпьютер поможет ученым при создании новых материалов, разработке микрочипов следующего поколения и пр.

### YAHOO! ЗАКЛЮЧИЛА ДОГОВОР С T-MOBILE

Компания Yahoo! заключила договор о сотрудничестве со вторым по размеру в Великобритании оператором мобильной связи T-mobile. В рамках договора Yahoo! будет показывать рекламу в сервисе Web'n'talk в Англии.

Сделка с T-mobile является стратегической для европейского подразделения компании по двум причинам. Во-первых, договор с T-mobile делает Yahoo!

партнером двух самых крупных мобильных операторов в Великобритании, во-вторых, первый квартал 2008 г. станет решающим для судьбы европейского отделения. Если оно не сумеет улучшить финансовые показатели до конца квартала, вероятнее всего, центральный офис предпочтет закрыть его.

### КЛЮЧЕВЫЕ МОМЕНТЫ БЛИЖАЙШЕГО МОБИЛЬНОГО ДЕСЯТИЛЕТИЯ

Аналитическая компания Strategy Analytics определила 10 ключевых тенденций, которые появятся в мобильной индустрии в ближайшие десять лет.

Среди таких тенденций аналитики компании выделили революционный дизайн и интуитивный пользовательский интерфейс устройств.

«Революционными в дизайне медиа-телефонов станут такие новые форм-факторы, как трансформер и телефоны с вращающимися дисплеями. К 2018 году фактически каждый телефон будет смартфоном с широким дисплеем, большой клавиатурой и емкой батареей», - говорит заместитель руководителя Strategy Analytics Нейл Моустон (Neil Mawston).

Среди других тенденций, которые появятся в ближайшие 10 лет, Strategy Analytics выделяет следующие:

- пользователи получат возможность приобретать, обновлять и ремонтировать свои мобильники онлайн. Mobile Device Management (MDM) будет широко распространено во всем мире;
- мульти-радио чипсеты станут нормой. Большинство телефонов будут поддерживать WAN, MAN, LAN и PAN.



### АФОРИЗМ

Кто взял в привычку вредности порок,  
Ведь он не к людям — сам к себе жесток.

Алишер НАВОИ

# Хабар +tv

## ДУШАНБА — 28 ЯНВАР

### О'ТАВОН

8.55 Кўрсатилар дастури.  
 6.00 «Осиё». Узбекистон.  
 7.00 «САРОЙ ЖАВОИДИРА». Т.с.  
 7.45 «Юртим бўйлаб» дастури. «Етув на-  
 дане тарихи».  
 7.55 «Оттин мерос».  
 8.00-8.45 «Тадилнома».  
 «Мен бир равиот».  
 8.50 «АЛИШЕР НАВОЙИ». Видеofilm.  
 «Болалар сайраси».  
 9.20 «Болалар дўни».  
 9.40 «Алқисси». Мультифильм.  
 10.05 «Муқаддас қадимжолар».  
 10.30 «Ватан ҳақида қўшқлар».  
 10.40 «Одним эрон...»  
 11.00 «Аборот».  
 11.15 «Мен бир равиот».  
 11.20 «Осиё» янгида...»  
 12.00 «Ассалом, Узбекистон!» Кундаги  
 дастури.  
 12.00 «ТУРМУШ НОРАХАЛАРИДА». Т.с.  
 13.50 «Оттин мерос».  
 14.00 «Аборот».  
 14.20 Эсон альбом.  
 14.25 «Патиналар».  
 15.15 «Қади нуқсон қазинадан».  
 Д. Вайди. «Мабейт». 1-қисм.  
 15.15 «Бир кун».  
 16.40 «Юртим бўйлаб» дастури. «Узе-  
 бекстон қўрамоноси».  
 17.00 «Аборот».  
 17.10 «Оттин мерос».  
 17.20 «Узбекистон қўрамоноси».  
 «Болалар сайраси».  
 17.40 «Этаслар» — «Шайхона етаслар»  
 18.00 «Сизнинг адоқомини»  
 18.00 «ТУРМУШ НОРАХАЛАРИДА». Т.с.  
 18.15 «Ур маҳамуд». 1-қисм.  
 19.15 «Оналар оғушда»  
 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эсонлар.  
 20.05 «Аборот» (рус тилида)  
 20.05 «ТВ шайхон»  
 20.10 «АННИК ЕЛРОН». Телесериял пре-  
 мьераси (Туркия)  
 20.50 «Мен бир равиот».  
 21.00 «Аборот».  
 21.35 «Бир ўлка-ки...»  
 21.55 «СЎНГИ ҚИРОЛИЧА». Телесериял  
 премьераси (Корея)  
 23.00 «Қўрамоноси, муҳаббат» (SMS,  
 Осиё берида)  
 23.15 «РАМАЯНА». Т.с.  
 23.50-23.55 Тунги навалар.  
 «Uzbekistan»  
 23.55 Кўрсатилар дастури.  
 04.00 «Алишер Навоий». Видеofilm.  
 24.00 «Бир ўлка-ки...»  
 00.50 «Оттин мерос»  
 01.00 «Аборот» (рус)  
 01.35 «Патиналар»  
 02.25 «Изи дил достон» Б.ф.  
 04.00 «Аборот».  
 04.30 Эсон альбом.  
 04.35 «Наҳосат олами»  
 04.45 «Мен бир равиот».  
 04.50 «Турмуш чорраҳалари». Т.с.  
 06.40-06.55 Тонти навалар.

### МАМА

16.55 Дастурнинг охиши.  
 17.00 «Даринг» боласи.  
 17.10 «Болалар табиооти».  
 17.15 «Болалар йили».  
 17.20 «ҚИНОМАЙУ». Т.с.  
 17.50 «Қалқаб ағалари».  
 18.00 Т.с «ДЕНГИЗ ХУМДОРИ».  
 18.35 «SMS-муноси».  
 18.65 «Илҳам».

19.00 «Дар» Янгиликлар.  
 19.10 Т.с «ДЕНГИЗ ХУМДОРИ».  
 20.10 «Шиме ишқорлар»  
 20.15 «LbEX кабарлари»  
 20.20 «ТВ-банк»  
 20.30 «LbEX кабарлари»  
 20.40 «Янги навалар»  
 21.00 «О, шайхони...»  
 21.05 «Yoshlar» янгилиги.  
 21.10 Т.с «LbEX»  
 21.55 «Илҳам»  
 22.00 «Дар» Янгиликлар.  
 22.30 «Муши мулто»  
 22.45 Т.с «ЕМГИР СИМФОНЯСИ»  
 23.15 «Қадрлар сайраси»

### СЕРЖАНТ

17.50 Кўрсатилар тартиби.  
 17.55 Мультисериял «Физинг» саргуш-  
 тарлар» 5-қисм.  
 18.10 21.50 «Телукугер» маркет.  
 18.25 «Битисилма»  
 18.30 «Йойташ»  
 18.50 «Қамилар». Т.с.  
 19.20 «ТВ юрсти»  
 19.25 «Муника SMS»  
 19.50 «Саломат бўлинг» /рус/  
 20.00 «Йойташ» /рус/  
 20.15 «ТВ юрсти» /рус/  
 20.20 «Милатрос» Т.с. /рус/  
 20.50 «Милатрос» /рус/  
 21.00 «Жоанга»  
 21.30 «Йойташ»  
 21.40 «Уйларим»  
 22.05 «Аёл қалби»  
 22.30 «Йойташ» /рус/  
 22.45 «Кино SMS со звездами»  
 22.50-00.30 Кино «Храброе сердце»

### СПОРТ

7.00 «Бадире урто»  
 8.00 «Талон»  
 8.30 «Датликчи»  
 9.00 «Версия»  
 9.30 «Милатрос»  
 10.30 «Сериял «Талпини дени»  
 11.15 «Секрет камини» Д.Жамиди.  
 11.40-12.40 Теннис. Австралия оқиқ чемпи-  
 оники Аллар. Финал.  
 18.00 «Полковник»  
 18.20 «Тета-тет»  
 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
 18.50 «Мушай тайм»  
 19.10 «Давар. Узбекистон чемпионики»  
 19.50 «Спортлото»  
 20.00 «Жди мени»  
 20.40 «ПрофРИНГ»  
 21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)  
 21.50 «Вое хорошо, ведь это рождество»  
 Х.ф.  
 23.20 Футбол «Спартак» (Москва) —  
 «Црвена Звезда» (Белград)  
 1.20 «Тунгича ошуда бўлае»

### БИРИНЧИ

05.00,09.05 «Добро утро»  
 09.00,12.00,15.00 «Новости»  
 09.30 «Милатрос»  
 10.30 «Контрольная закупка»  
 11.00 «Сериял «Убойная сила»  
 12.15 «Модный приговор»  
 13.25 «Детективы»  
 14.00 «Другие новости»  
 14.25 «Хочу знать»  
 15.15 «Почет. Простия»

15.50 «Сериял «Плата за любовь»  
 16.55 «Федеральный судья»  
 18.00 «Вечерние новости»  
 18.20 «Жди мени»  
 19.00 «Сериял «Принцесса цирка»  
 20.00 «Сериял «Огонь любви»  
 21.00 «Время»  
 21.30 «Сериял «Троимой. Дом надежды»  
 22.30 «Супергероев. «Трудно быть Бо-  
 гом»  
 23.20 Кубок Первого канала. Футбол.  
 «Спартак» (Москва) — «Црвена звезда»  
 (Белград).  
 01.20 «Телая и ледяная»  
 01.55,03.30 Комедия «Сержант Битко»  
 03.00 «Время»

### РОССИЯ

05.00 «Добро утро, Россия!»  
 06.55 Д/ф «Евгений Леонов. «А слезы  
 капают...»  
 09.50 Т/с «Срочно в номер»  
 10.45,16.30 «Вести. Двухразная часть»  
 11.00,14.00,17.00,20.00 «Вести»  
 11.30,14.20 «Местное время. Вести  
 Москва»  
 11.50 Т/с «Срочно в номер»  
 12.45 Х/ф «Код инженера Гарина»  
 14.40 Т/с «Мухомор»  
 15.35 «Суд идет»  
 16.40 «Местное время. Вести - Моско-  
 вская область»  
 17.20 Т/с «Женщина без прошлого»  
 18.10 Т/с «Родные люди»  
 19.00 Т/с «Ангел-хранитель»  
 20.30 «Местное время»  
 20.50 Спокойной ночи, малыши!  
 21.00 Т/с «Вызов»  
 22.50 «Мой серебряный шар. История  
 Ильяса!»  
 23.50 Вести +  
 00.10 «Честный детектив»  
 00.40 Симметрия  
 01.05 «Дорожный патруль»  
 01.25 Х/ф «Крысы, или Ночная мафия»

### НТВ

05.00 «Сегодня утром»  
 09.00 «Сегодня вечер»  
 10.00,13.00,16.00,19.00,22.40 «Сегодня»  
 10.25 «Криминальное происшествие»  
 11.00 «Культурный пейзаж»  
 11.55 «Квартирный вопрос»  
 13.30 Т/с «Сашин»  
 15.30,16.30 «Крепчайшее происше-  
 ствие. Обзор»  
 16.30,23.05 Т/с «Улицы разбитых фона-  
 ров»  
 19.40 Т/с «Закон и порядок»  
 20.40 Т/с «Гоним»  
 21.40 Т/с «Докиня правосудия»  
 00.10 «Школа злодеяния»  
 01.05 «Quintologie»  
 01.40 Х/ф «Личная безопасность не га-  
 рантирует Обезд»  
 03.25 Т/с «Клиент всегда мертв 5»

### КУЛЬТУРА

07.00 Канал «Евроночь»  
 10.00,19.30,23.30 «Новости культуры»  
 10.20 «18 главный роман...»  
 10.50 Х/ф «Долгие проводы»  
 13.50 «Линия жизни». А. Михайлов.  
 13.20 «Пятое измерение»  
 13.50 Телеспектакль «Бумажное сердце»  
 15.25 Д/ф «Петр Струве: крестноносцы  
 свободы»  
 16.56 «Порядок слов»

16.00 М/с «Вокруг света с Виллы Фогаи»  
 16.25 М/ф «Бесовая карусель»  
 16.30 «Тусняна всерьез»  
 16.55 Д/ф «Фалес Милетский»  
 17.05 Д/с «Экология. Паутина жизни»  
 17.35 «А. Лукино. «Евгений Стелга»  
 18.00 Д/ф «Дредези и Эльба. Саксон-  
 ский канал»  
 18.15 «Достоинство республики»  
 18.30 «Слон НОТ»  
 19.00 «Ночной полет»  
 19.55 Д/с «Экология Европы»  
 20.50 «Проклятая дверь. Леонид Пан-  
 телеев»  
 21.20 «Острова». Ю. Богатырев.  
 22.05 «Тайны забытых побед» «Лунная  
 гошка»  
 22.35 «Тем временем»  
 22.55 «Про АРТ»  
 00.20 «Экология литературы»  
 00.45 Д/ф «Байки с Крокова канала»  
 01.25 «Музыкальный момент» Ч. Чаплин.  
 01.40 Д/с «Экология Европы»  
 02.35 Д/ф «Дредези и Эльба. Саксон-  
 ский канал»

### СТС

08.00 Т/с «Чужая наука»  
 08.55,15.00,15.30,16.00,16.30,17.00,17.30  
 М/с  
 09.00,19.00 Т/с «Моя прекрасная няня»  
 09.30,21.00 Т/с «Пальцы джина»  
 10.00 Т/с «Одна ночь любви»  
 11.00,20.30,02.00 История в деталях  
 11.50 «Кто умнее логикосма?»  
 12.30 Т/с «Даша Васильева. Любитель-  
 ный частного сыщика 4»  
 13.30 Т/с «Пять Великолепный»  
 14.30 Т/с «Вся такая внезапная»  
 18.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»  
 18.30 «Талисман»  
 18.30 Т/с «Тайны Сицилии»  
 22.00 Т/с «Одна ночь любви»  
 23.00 Т/с «Алтанкид»  
 00.00 Х/ф «Дрожь земли 2. Повторный  
 удар»  
 02.30 Т/с «Тринадцателетия»

### ТВ3

08.00,14.00 Д/ф «Разрушители мифов»  
 09.00 М/с  
 11.30 Х/ф «Инспектор Клузо»  
 13.30,17.00 Успей за 23 минуты.  
 15.00,19.00 Т/с «Звездные врата»  
 16.00 Т/с «Джесси-человек»  
 17.30 «Улы»  
 18.30 Т/с «Муршан»  
 20.00 Т/с «Копелья ошейки Джейн»  
 21.00 Т/с «Новый день»  
 22.00 Т/с «Выжить вопреки»  
 23.00 Х/ф «Абера»  
 01.00,03.30 Т/с «Байки из ослеп»  
 01.30 Х/ф «Малга»

### ТНТ

05.00 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бин»  
 06.55 «Глобальные новости»  
 07.00,13.30,19.00 Такич.  
 07.30 М/с «Ракетная моша»  
 08.00,19.30 Москва: инструкция по при-  
 менению.  
 08.30 «Необыкновенно, но факт»  
 09.30,14.00 Т/с «Саша и Маша»  
 10.00,18.00,20.00 Т/с «Счастливы вместе»  
 11.00 М/с  
 14.00,21.00,23.35,02.40 «Дом 2»  
 15.20 Мелодрама «Танцуй динозавр»  
 23.00 Комедия «Экс Вентур: Роскош до-  
 машние животные»  
 00.10 Секс с А. Чесовой.  
 00.55 Триллер «Серджант утрос»  
 03.35 Комедия «Жена моего учителя».

2008-йил 28-январлар  
 4 (801)-сон

Хабар



## ОБОРОТ

5.55 Курсатувлар дастури.  
6.00 «Ассолом, Узбекистон!»  
7.00 «САРОЙ ЖАВОБИРИ» Т/с.  
7.35 «Юртим буйлаб» дастури: «Езул мадҳияти тавон!»  
7.55 «Олтин мерос»  
8.00-8.35 «Ахборот»  
8.35 «Минг бир ривоят»  
8.40 «АЛИШЕР НАВОЙИ». Видеофильм.  
«Болалар сайраси»:  
9.20 «Йула, Йула, Ton!» Телемусобада.  
10.00 «Алломиш». Мультфильм.  
10.25 «КиноТеатр»  
10.50 «Сизнинг адвокатингиз»  
10.55 «ТВ шифкор»  
11.00 «Ахборот»  
11.15 «АНЧИК ЕЛҒОН». Т/с.  
11.50 «Ахборот» (инглиз тилида)  
12.00 «Ассолом, Узбекистон!» Кундузи дастури.  
13.00 «СҲНГИ ҚИРОЛИЧА» Т/с.  
13.55 «Олтин мерос»  
14.00 «Ахборот»  
14.20 Эски альбом.  
14.25 «ТУРМУШ ҚОҲРАҲЛАРИДА» Т/с.  
15.15 «Юртим буйлаб» дастури: «Тоғлар»  
15.25 Жаҳон мусиқини хазинасида.  
Д. Вирди «Мабет» 2-қисм.  
16.35 «ИИБ хабарлари»  
16.50 «Дунё маноралари»  
17.00 «Ахборот»  
17.10 «Олтин мерос»  
17.20 «Агар Сиз...»  
«Болалар сайраси»:  
17.40 «Эрталар - юшиликка етаклар»  
18.00 «Минг бир ривоят»  
18.05 «ТУРМУШ ҚОҲРАҲЛАРИДА» Т/с.  
18.55 «Умр мазмуни» 2-қисм.  
19.15 «Одинлар оғушида»  
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «ТВ шифкор»  
20.10 «АНЧИК ЕЛҒОН». Т/с.  
20.50 «Минг бир ривоят»  
21.00 «Ахборот»  
21.35 «Қишлоқ ҳаёти»  
21.55 «СҲНГИ ҚИРОЛИЧА» Т/с.  
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат» (SMS Овоз бериш)  
23.15 «РАМАЯНА». Т/с.  
23.50-23.55 Тунги навалар.  
Uzbekistan»  
23.55 Курсатувлар дастури.  
24.00 «Алишер Навоий». Видеофильм.  
00.35 «Қишлоқ ҳаёти»  
01.00 «Ахборот» (рус)  
01.30 «Олтин мерос»  
01.40 «Заковат»  
02.35 «Муқаддас қадимжолар»  
03.00 «Ахборот» (инглиз тилида)  
03.10 «KINOMANIYA»  
03.40 «Истеъдод»  
04.00 «Ахборот»  
04.30 Эски альбом.  
04.35 «Нафосат олами»  
04.45 «Минг бир ривоят»  
04.50 «Турмуш қоҳраҳларида» Т/с.  
05.40-05.55 Тонги навалар.



Телеомашинлар дўхатига!  
Сешанба, 29 январь кунин «Yoshlar» телеканални ўз курсатувларини соат 16.55 дан бошлади.

16.55 Дастурнинг омиляди.  
17.00 «Давринг болани»  
17.10 «Болалар табассуми»  
17.15 «Ешлар Йили»  
17.20 Т/с «ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ»  
17.55 «Ешлик илҳомлари»  
18.00 Т/с «АЛИЯ»  
18.35 «SMS-муслик»  
18.55 «Илдиз»  
19.00 «Давр». Янгиликлар.  
19.30 Т/с «ДЕНГИЗ ХУКМДОРИ»  
20.10 «Автопарту»  
20.30 «Сосотидан бахтли ўнгалки»  
20.40 «Ешлар навоиси»  
21.00 «О, ватанам!»  
21.05 «Yoshlar» анкетаси.  
21.10 Т/с «АЛИЯ»  
21.55 «Илдиз»  
22.00 «Давр». Янгиликлар.  
22.30 «Мулки мутоат»  
22.45 Т/с «ЕМГИР СИМФОНИЯ»  
23.15 «Аждодлар садоси».

## СЕНДИМЕНТ

17.50 Курсатувлар тарғиби.  
17.55 Мультисериал: «Фликнинг сарғушайлари» 6-қисм.  
18.10 21.50 «Телекўрар - маркет»  
18.25 «Биласизми?»  
19.30 «Пойтахт»  
19.50 «Камил» Т/с.  
18.20 «ТВ юрист»  
19.25 «Муслик SMS»  
19.50 «Ҳимоя»  
20.00 «Пойтахт» (рус/  
20.15 «ТВ юрист» (рус/  
20.20 «Милларос» Т/с. (рус/  
20.50 «Репортаж»  
21.00 «Қозаби»  
21.30 «Пойтахт»  
21.45 «Уларим»  
22.05 «Мохир» (рус/  
22.30 «Пойтахт» (рус/  
22.45 «Кино SMS со звездами»  
22.50-00.20 Кино: «Храброе сердце» 2-қисм.

## SPORT

7.00 «Содире утро»  
8.00 «Хабарлар» (рус тилида)  
8.20 Мультфильм.  
8.30 «Детективи»  
9.00 «Хабарлар» (узб. тилида)  
9.20 «Спорт клуб»  
9.30 «Малахов+»  
10.30 Сериал «Татьянин день»  
11.15-12.45 Теннис. Австралия оқ чемпионати. Эрталар. Финал.  
18.00 «Болалар спорте»  
18.15 Мультфильм.  
18.30 «Хабарлар» (рус тилида)  
18.50 «Муслик таълим»  
19.10 «Жаҳон спорти юлдузлари»  
19.30 «Футбол миундаль»  
19.50 «Joker, Super!to». Телелотерея.  
20.00 «Ординатор». Сериал.  
20.50 Дюдо. Узбекистон чемпиони.  
21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)  
21.50 Еврофутбол. Испания чемпиони.  
«Атлетик» - «Барселона»  
23.20 Футбол. «ЦСКА» - «Бейтар» (Иерусалим)  
1.20 «Туняжиқ ода бўлини»

## БИРИНЧИ

05.00,09.05 «Добро утро»  
09.00,12.00,15.00 «Новости»  
09.30 «Малахов +»

10.30 «Контрольная закупка»  
11.00 Сериал «Убойная сила»  
12.15 «Модный приговор»  
13.25 «Детективи»  
14.00 Дунду ноности  
14.25 «Хому энаги»  
15.15 «Понять. Простить»  
15.50 Сериал «Плата за любовь»  
16.55 «Федеральный судья»  
18.00 «Вечерние новости»  
18.20 «Пусть говорят»  
19.00 Сериал «Принцесса цирка»  
20.00 «Сериал «Огонь любви»  
21.00 «Время»  
21.30 Сериал «Громы. Дом надежды»  
22.30 «Знахари»  
23.20 Кубок Первого канала. Футбол. ЦСКА - «Бейтар» (Иерусалим).  
01.20 «Доброй ночи»  
02.25,03.30 Х/ф «Крикуня»  
03.00 «Время»

## РОССИЯ

05.00 «Доброе утро, Россия!»  
05.55 Д/ф «Штурм Зимнего. Оправданы»  
09.50 Т/с «Вызов»  
10.45,16.30 «Вести. Дежурная часть»  
11.00,14.00,17.00,20.00 «Вести»  
11.30,14.20 «Местное время. Вести - Москва»  
11.50 Т/с «Вызов»  
12.45 Х/ф «Крах инженера Гарина»  
14.40 Т/с «Мачеха»  
15.10 Легкая атлетика. Международная  
турнир.  
16.50 "Легкая спорта".

17.55 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Казахстан.  
20.15 "Скоростной уакокт".  
20.40 "Рубина в Радзиевском".  
20.55 Хоккей с мячом. ЧМ. Швеция -  
Финляндия.  
23.15 Легкая атлетика. Прижки в высоту  
под музыку.  
00.30 Фигурное катание. ЧЕ.  
03.10 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Казахстан.

## Чоршанба

06.45 Хоккей с мячом. ЧМ. Швеция -  
Финляндия.  
08.45, 11.00, 15.05, 18.10, 22.50, 02.15 "Вести-  
спорт".  
09.00 "Зарядка с чемпионом".  
09.15 М/ф. "СОС КОПАТУ", "Летели два  
верблюда".  
09.35 М/ф "Скуби-Ду и Серпилли-Ду".  
10.00 "Зарядка с чемпионом".  
10.15 Т/с "Сказка кавказца".  
10.45 "Мастер спорта".  
11.10 "Скоростной уакокт".  
11.50 Легкая атлетика. "Русская зима".  
12.35 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Финляндия.  
15.15 Фигурное катание. ЧЕ.  
17.40 "Путь Дракона".  
18.25 Хоккей с мячом. "Салават Юлаев" (У) -  
"МВД" (М.О).  
20.55 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Швеция.  
23.15 Автопорт. ЧМ по ралли. "Ралли  
Монте-Карло".  
00.25 Баскетбол. Евролига. Мучены.  
00.30 Баскетбол. ЦСКА (Рос).  
02.30 Волейбол. ЛЧ. Мучены. "Динамо"  
(Рос) - "Пари Вольер" (Фра).

## Пайшанба

06.55 Баскетбол. Евролига. Мучены.  
"Вестус" (Ита) - ЦСКА (Рос).  
08.45, 11.00, 13.40, 17.40, 22.40, 01.35 "Вести-  
спорт".  
09.00 "Зарядка с чемпионом".  
09.18 М/ф "Жил-был Сашука".  
09.35 М/ф "Скуби-Ду и Серпилли-Ду".  
10.00 "Зарядка с чемпионом".  
10.18 Т/с "Сказка кавказца".  
10.45 "Мастер спорта".

11.15 "Путь Дракона".  
11.40 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Швеция.  
13.55 Хоккей с мячом. ЧМ. Австрия (Х) -  
"Ак Барс" (К).  
16.10 Волейбол. ЛЧ. Мучены. "Уникала"  
(Мон) - "Динамо" ТТТ (Фра).  
17.55 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Белоруссия.  
19.20 "Сборная Россия". С. Ломаченко.  
20.25 "Точка спорта".  
20.50 Баскетбол. ЧР. Женщины. ЦСКА -  
"Динамо" (Москва).  
23.05 Хоккей с мячом. ЧМ. Финляндия -  
Казахстан.  
01.05 "Точка спорта".  
01.45 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Белоруссия.

## Жума

06.45 Хоккей с мячом. ЧМ. Финляндия -  
Казахстан.  
08.45, 11.00, 13.45, 17.45, 22.50, 02.25 "Вести-  
спорт".  
09.00 "Зарядка с чемпионом".  
09.15 М/ф "Жил-был Сашука".  
09.35 М/ф "Скуби-Ду и Серпилли-Ду".  
10.00 "Зарядка с чемпионом".  
10.15 Т/с "Сказка кавказца".  
10.45 "Мастер спорта".  
11.15 "Точка спорта".  
11.45 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Белоруссия.  
14.05, 15.30 Салеттон. Кубок мира.  
Женщины.  
15.00 "Скоростной уакокт".  
16.50 Легкая атлетика. Прижки в высоту  
под музыку.  
18.00, 19.30, 01.15 Бобслей. Кубок мира.  
Женщины.  
19.00 "На все паруса". Пальма де  
Мальдива-2007.  
20.25 "Рубина в Радзиевском".  
20.50, 02.40 Баскетбол. ЧР. Мучены.  
"Динамо" (М) - УНИКС (К).  
22.15 "Вести-спорт. Местное время".  
23.20 Профбокс. Израиль Васкас -  
Рифаль Маркас.  
00.20 Салеттон. Кубок мира. Женщины.

## Шанба

07.00 Хоккей с мячом. ЧМ. Россия -  
Белоруссия.  
09.00, 11.00, 14.40, 18.40, 22.50, 03.00 "Вести-  
спорт".  
09.10 Бобслей. Кубок мира. Женщины.  
11.03, 23.10 "Вести-спорт. Местное время".  
11.15 "Легкая спорта".  
11.50 Профбокс. Израиль Васкас -  
Рифаль Маркас.  
12.50 "На все паруса". Пальма де  
Мальдива-2007.  
13.30 Салеттон. Кубок мира. Мучены.  
14.55 Хоккей с мячом. ЧМ. Беларусь -  
"Локативитс" (Л).  
17.15 Теннис. Кубок Федерация. 1/4  
финала. Израиль - Россия.  
18.55 Баскетбол. ЧР. Мучены. ЦСКА -  
"Занаш" (М.О).  
20.55 Хоккей с мячом. ЧМ. 1/2 финала.  
23.20 Теннис. Кубок Федерация. 1/4  
финала. Израиль - Россия.  
01.05 Волейбол. ЧР. Мучены. "Искра" (О) -  
"Локомотив-Белогорск" (Б).  
03.15 Рэгби. "Кубок шести наций". Англия -  
Уэльс.

## Якшанба

07.00 Хоккей с мячом. ЧМ. 1/2 финала.  
09.00, 11.00, 15.10, 18.40, 22.55, 02.25 "Вести-  
спорт".  
09.10, 14.00, 16.00, 23.25 Бобслей. Кубок  
мира.  
11.03, 23.15 "Вести-спорт. Местное время".  
11.15 "Точка спорта".  
11.45 Рэгби. "Кубок шести наций".  
Израиль - Италия.  
15.25 "Сборная Россия". Е. Лобашова.  
17.00, 20.50 Теннис. Кубок Федерация. 1/4  
финала. Израиль - Россия.  
18.55 Хоккей с мячом. ЧМ. Финал.  
00.25 Футбол. Чемпионат Италия.  
02.40 Рэгби. "Кубок шести наций".  
Шотландия - Франция.

ALOQA OLAMIDA

АНТАРКТИДАДА ИНТЕРНЕТ

Феврал ойи ниҳоясида Хитойнинг антарктика станцияси — Чанчен интернетга уланади. Унинг ёрдамида хитойлик экспедиция аъзолари илмий маълумотлар жўнатиш ҳамда мулоқот қилиш имконига эга бўлади-лар.

Антарктидада интернет алоқаси йўлдошли алоқа хизматлари кўрсатувчи Шанхай оператори (China International Telecommunication Construction Corporation) томонидан йўлга қўйилади. Унинг трафиги радиоалоқа воситасида таъминланади.



ВАССИЛАКОС НЕГА НОРОЗИ?

Ўтган ҳафтада 2004 йилги Олимпия ўйинларига бағишланган сайт ишлашдан тўхтаб қолган. Кейин маълум бўлишича, домен номларини рўйхатдан ўтказиш муддати тугаган экан — бунга доменларини athens2004.com ва athens2004.gr номлари остида рўйхатдан ўтказган мамлакат ҳукумати уларнинг муддатини узайтиришга улгурмаганлиги ёки истамаганлиги сабаб бўлган.

Юнонистон интернет фойдаланувчилари уюшмаси прези-

денти Никос Вассилакоснинг баёнот беришича, худди шу сабаб туфайли мамлакатнинг Европа Иттифоқи бағишланган сайти (eu2003.gr) ҳам ўчириб қўйилган.


"Google имкон қадар кўп ахборот манбаи яратишга жуда катта маблағ ажратаётган бир пайтда биз тарихий аҳамиятга эга қимматбаҳо маълумотларнинг осонликча йўқ бўлиб кетишига йўл қўяётганимиз кечирилмас ҳолатдир", деган Вассилакос.

Таъкидлаш жоизки, 2000 йилги Сидней Олимпиадасига бағишланган 11 тилдаги (жумладан, юнон тилида ҳам) сайт ҳозир ҳам gamesinfo.com.au манзилида фаолият кўрсатмоқда.



ГЛОБАЛ ТАРМОҚНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Шу йилнинг март ойидан бошлаб Японияда NTT компанияси оптик-толали линиялар орқали кенг шаклли интернет-алоқанинг янги авлодини жорий этишни бошлайди. Бу янгилик янада катта ҳажмдаги видео ва аудио маълумотлар қабул қилиш ва узатиш, видеотелефондан фойдаланиш ҳамда онлайн тартибда юқори сифатли кинофилмлар томоша қилишда қўл келади.



Япония ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги янги хизмат тарифлари ҳозиргиларидан юқори бўлмаслигига ҳаракат қиляпти. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи провайдер-компания ўзгарганида абонентларнинг илгариги рақамлари сақланиб қолади.

Вазирлик режасига киритилган энг долзарб вазифа мамлакатдаги аксарият алоқа тармоқларини янги тизимга ўтказиш бўлса, NTT компанияси 2010 йилга қадар фойдаланувчилари сонини 20 миллионга етказишни режалаштирган.

ТЕЛЕФОН — ҚАШШОҚЛАР КЎМАКЧИСИ

Хиндистон минтақавий Чхаттисгар ҳукумати махсус рўйхатга олинган оилаларга ёрдам учун



ажратилган озиқ-овқат маҳсулотлари қай даражада етиб бораётганлиги тўғрисида маълумот олиш учун мобил телефонлар хизматидан фойдаланишга қарор қилди. Бунинг учун махсус сайтда фуқаролар исмлари, манзил ва мобил телефон рақамини қолдиришлари лозим бўлади.

Мазкур лойиҳа 3,4 миллион камбағал оилага мўлжалланган. Аммо ҳукуматни қанча оила мобил телефонга эгаллиги ва яна қанчаси интернетга кириш имконига эга эканлиги номаълумлиги қийнамоқда.

ГРАФИТ ЎРНИГА КРЕМНИЙ

Стэндфорд университети олимлари ион-литийли аккумуляторлар учун анодлар тайёрлашнинг янги усулини таклиф этишмоқда. Уларнинг айтишича, ҳозир қўлланилаётган графит ўрнига кремний ишлатилса, батареялар сиғими ўн барабаргача ошаркан ва натижада, масалан, ноутбуклар ҳозиргидек уч-тўрт соат ўрнига 30-40 соатгача ишлаши мумкин бўларкан.

Кремнийдан фойдаланиш гоёси, айтиш керакки, янгилик эмас. Аммо кремнийли анодлар анча чидамсиз, энергия қуввати тўплаш ва узатиш натижасида уларнинг ҳажми тўрт барабаргача кичрайиб кетади ва батареялар қисқа муддатда яроқсиз аҳволга келиб қолади. И Цуй бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи энди бунинг ҳам чорасини топганга ўхшайди. Уларнинг янги технологиясига кўра, аккумуляторлар тайёрлашда кремнийга асосланган наноўтказгичлар қўлланилади. Наноўтказгичлар графитга нисбатан кўп энергия тўплаш билан бирга, ҳажми таъсирларга анча бардошли экан.

БРАЗИЛИЯДА КОМПЮТЕР ЎЙИНЛАРИ ТАҚИҚЛАНДИ

Бразилия суди қарорига кўра, шу ҳафтадан мамлакатда Counter Strike ва EverQuest компютер ўйинларини сойтиш тўхтатилди.



Федерал судья Карлос Алберто Симонеснинг таъкидлашича, юқоридagi ўйинлар жамоат тартиби ва ахлоқ меъёрларини поймол қилмоқда ҳамда қатор демократик тамойилларни бузаётир.

Бу ўйинни ўйнаганлар жазоланадими-йўқми — бу борада суд қароридан ҳеч нарса дейилмаган.

РЕКОРД УЧУН ЖАЗО



Британиялик корчалон Роналд Клос — ўзига хос "рекорд" сохиби. У машинасини 251 км/с тезликда бошқараётиб мобил телефонда гаплашгани учун полиция томонидан тўхтатилган.

Тўғри, у рекорди учун ҳеч қандай мукофот олмади, фақат бир йилгача автомобил бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Афтдан, бундан у тўғри хулоса чиқармаган кўринади, акс ҳолда ҳайдовчилик гувоҳномаси қўлига тушганидан бир ой ўтиб яна рўлда мобил телефонда гаплашмаган бўларди. Бу гал унинг талонини тешишдан ташқари, 60 фунт (117 доллар) жарима ҳам ундиришди.

МОБИЛ ТЕЛЕФОНЛАР РЕЙТИНГИ

Портатив электрон қурилмалар учун гилофлар ишлаб чиқарувчи Krusell (Швеция) компанияси жаҳонда энг кўп сотилаётган мобил телефонлар рўйхатини эълон қилди. Бу сафар ўтган йил якунлари ҳисоб-китоб қилинди. Krusell рейтингини энг кўп сотилган гилофлар қайси турдаги қурилмалар учун мўлжалланганига қараб тузилади.

2007 йилнинг энг харидоргир мобил телефонлари:

1. SonyEricsson K800i
2. Nokia 6300
3. Nokia N73
4. Nokia N95
5. Motorola Razr V3
6. Nokia 6233
7. Blackberry Pearl 8100g
8. SonyEricsson W880i
9. SonyEricsson K750i
10. SonyEricsson K610i



2008-YIL — YOSHLAR YILI

Тарих саҳифаларидан муносиб ўрин олган 2007 йил юртимиздаги кўпчилик ёшлар қатори менинг ҳам қалбимда бир умрга татийдиган ёруғ из қолдирди. Худди шу йили мен Тошкент ахборот технологиялари университетининг радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение факултетини битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олдим.

# Орзуларим мўл



Оиламиз алоқачилар сулоласидан иборат бўлгани боис, айнан шу соҳага ихлосу ҳавас мактабда ўқиб юрган кезларимдаёқ уйфонган эди. Отам — Саъдулло Бобоев Когон телекоммуникациялар боғламасида узоқ йиллардан бери кабелчи-пайвандловчи бўлиб ишлайди. Самарали меҳнати эвазига "Шуҳрат" медали билан тақдирланган. Акаларим Бахтиёр ва Шуҳрат ҳам алоқа соҳасини танлашган. Университетда ўқиб юрган йилларимда олган назарий билимларимни кундалик ишда қўлладим "Бухоро Телеком" филиалининг техник хизмат кўрсатиш маркази узоққа узатиш ускуналари зали муҳандис-техник ходимларининг ёрдамлари катта бўляпти. Мен уларнинг фойдали маслаҳат, аниқ

йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини ҳар қадамда сезиб турибман. Улар менга билмаганларимни ўргатишмоқда, ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашмоқда.

Узоққа узатиш ускуналари залида асосан ижарага олинган ва алоқа каналларини белгиланган меъёр талаблари даражасида сифатли ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш амалга оширилади. Бу эса залда ишлаётган ҳар бир ходимдан алоҳида жонқуярлик ва фидойиликни талаб этади. Ҳамкасбларимдаги энг яхши фазилатларни ёш мута-

ЮРТИМИЗНИНГ ЭРТАНГИ КУНИ, МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ БИЗНИНГ КЎЛИМИЗДА ЭКАН, ҚАЙ СОҲАДА ИШЛАШИМИЗДАН ҚАТЪИ НАЗАР, СОБИТҚАДАМ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШИМИЗ ЗАРУРЛИГИНИ ҚАЛБАН ХИС ЭТИБ ТУРИБИМИЗ.

хассис сифатида ўзимда ҳам шакллантиришга ҳаракат қиляпман. Келажакдаги ягона орзуим — малакали соҳа ходимлари қатори танлаган касбимда юксак кўрсаткичларга эришиш, халқимизга садоқат билан хизмат қилишдан иборатдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёш авлод учун яратиб берилган имкониятларни бутун дунё эътироф этмоқда. Республикаимизнинг барча вилоятларида қад ростлаган бир-биридан кўркам янги коллеж ва лицейлар, маҳобатли спорт иншоотлари келажаги буюк Ўзбекистоннинг бугунги фарзандлари ҳар томонлама соғлом, бакуват ва етук бўлиб камол топишлари учун амалга оширилаётган яратувчилик ишларининг аниқ тимсолидир. Биз

ёшлар бу билан ҳар қанча эҳрлансак арзийди. Қолаверса, юртимизнинг эртанги кунини, мустақил Ватанимиз келажаги бизнинг кўлимизда экан, қай соҳада ишлашимиздан қатъи назар, собитқадам фаолият олиб боришимиз зарурлигини қалбдан ҳис этиб турибмиз. Президентимиз томонидан 2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинганлиги эса навқирон юракларимиз туб-тубидаги ватанпарварлик ҳис-туйғуларини янада жўшурдириб юборди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча тенгдошларимни бизларга кўрсатилётган эътибор ва ғамхўрликнинг қадрига етишга, зиммамиздаги масъулиятни чуқур ҳис этишга, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида фаол иш олиб боришга даъват этаман!

Санжар БОБОЕВ,  
"Бухоро Телеком"  
филиали муҳандиси

НАВОИЙХОНЛИК



Мени мен истаган ўз сўхбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сўхбатини кўнглум писанд этмас.  
Алишер НАВОИЙ

ҲАЁТНИ СЕВАСАНМИ? СЕВАНГ, ВАҚТНИ БОЙ БЕРМА!

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!! ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ТАЪЛИМ "ЭФФЕКТ - МОЛИЯ"

Ўқув-тадбиқот илмий маркази чуқур ва сифатли билим олишга интилган ёшларни 100 фоиз кафолати ва амалиёти билан замонавий мутахассислар тайёрловчи қўлидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

I. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

- (малакали раҳбар ва бош ҳисобчилар дарс берадилар)
- **Бухгалтер-молиячи** (бош ҳисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нолдан балансгача, компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
- **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.
- **"1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати** - шартнома асосида.
- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер, Ҳужжатлаштириш. Меҳнат қонунчилиги, Бизнеснинг ҳудудий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор 3 - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Қадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, меҳнат қонунчилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (компютер, Internet, иш юритиш тактикаси).

II. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:

- (фақат яқка тартибда)
- **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office Word, Excel, Paint, Муҳдатти - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
- **Компютерларни модернизациялаш, йнгиши ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Компютерларга локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор 6 кун, 40 минг сўм.
- **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видео монтаж) дастури - 1 ой, 40-50 минг сўмдан.
- **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) -

- 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
  - **Дастурлаштириш** (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) - 6 ой, тезкор 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.
  - **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм.
  - **Узли телефонни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
  - **Узли телефонни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
  - **Программаларни ўрнатиш, дискларга ёзиш, офис техникалари билан ишлаш, антивирус билан ишлаш** - 1 ой, 100 минг сўм.
  - **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- III. ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:
- (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
  - **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чуқур ўрганиш) гнд-таржимон - 4 ой, (олий курси) гапалашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гапалашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - **Немис, француз, инглиз, рус, корей, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта; 1 ойга — 100 минг сўм.
- IV. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:
- (фақат кичик гуруҳларда)
  - **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
  - **Сартарш-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.
  - **Тирноқларни ва киярикларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқка тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
  - **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
  - **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** - (компютер ва интернет

- билан) 1 йил, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқуш полилининида, тезкор - 3 ёки 5 ой.
- **Фармацевтика** (компютер, интернет билан) - 1 йил, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқуш дохионада, тезкор - 3 ёки 5 ой.
- **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.
- **Астарли устки кийимлар тикиш** - 3 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда), тезкор - 1 ой.
- **Тўй ва оқшом кўйлаклари тикиш** - 2 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яқка тартибда), тезкор 1 ой.
- **Ғазламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда), тезкор 10 кун.
- **Қўлда кийим-буюмлар тўқуви** (яқка тартибда) - 3 ой, 1 ойга — 25 минг сўм, тезкор 1 ой.
- **Бисер усулида каштачи-безакчи** (олий курси билан) 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор 1 ой.
- **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Зардўзлик** - (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Машинада ва қўлда кашта тикиш** (вишикеа) - 3 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Ҳайвон, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) 3 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор 1 ой.
- **Пазандачилик** - (пишириқлар, тортлар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор 1 ой ва 1,5 ой.
- **Тортларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм, (яқка тартибда).
- **Заргарлик** - 6 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яқка тартибда, заргар ургатади, тезкор 3 ой.

■ Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингизданок бошланади;  
■ Маъшулотлар стандарт ўқув дастурлари ва қўлланмалари ёрдамида, тушунарли усулларда, чин дилдан "устоз-шоғирлик" асосида қатъий режим муҳитида ўргатилади. Бир мавзунини ўзлаштирмасдан кейингисига ўтмайди. Натихада амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!  
■ Ўқуш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқуш учун фақат **паспорт** ёки **тузилганлик ҳақида гувоҳнома** талаб қилинади. Тулов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан! Тест натижаларига қўра, **лицензияланган диплом** берилади.  
■ **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кунини — яқшанба. **Ётоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.

**МАНЗИЛ:** Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 84-уй, "Козогистон" кинотеатрининг ўнг томонида.

**АВТОБУСЛАР:** 9, 19, 20, 24, 50, 51, 60, 67, 72, 85, 88, 89, 91, 93, 95, 115.

**КЕЛИШ ЙЎЛИ:** метронинг Минор, автобусларнинг "Козогистон" кинотеатри бекати.


Лицензия № АСУЗ 00192200Т0002-05

Тел.: 235-10-36 (факс), 234-70-69.



QASHQADARYO RTUM TARIXI

**Қашқадарё воҳасида телекўрсатувлар асосан 1965 йилда узатила бошланган бўлиб, Дехқонобод туманининг Бешбулок қишлоғи яқинидаги денгиз сатҳидан 1260 метр баландликдаги Одамтош чўққисидан баландлиги 30 метрли антенна мачтасининг ўрнатилиши билан боғлиқдир.**




даги қишлоқларда яшайдиган аҳолини сифатли теледастурлар билан таъминлаш мақсадида, Косон ва Муборак шаҳарларида техник бинолар, телеминоралар ва электр таъминот тизимлари қурилиб, уларда Р-60/120 русумли радиореле линия жиҳозлари ўрнатилди ва Қарши-Косон-Муборак РРЛси ишга туширилди. Муборак РТСда РЦТА-70 русумли, қуввати 100 Ватт бўлган 2та телеузатгич ишга туширилиб, Ўзбекистоннинг биринчи теледастури эфирга узатила бошланди.

гич ўрнатилиб, вилоят телерадиокомпаниясининг "Олтин воҳа" радиодастурлари эфирга узатила бошланди.

2004 йили вилоят телевидениесида янги давр бошланди — Одамтош, Кўксой ва Чингурак телерадиостанцияларида Бухоро ва Қашқадарё РТУМ мутахассислари томонидан реконструкция ишлари амалга оширилиб, Япониянинг NEC фирмаси телеузатгичлари ўрнатилди. Жумладан, республика телерадиодастурларини эфирга узатиш учун

# Меҳнат самараси



Одамтош телестанциясига телевидение сигналларини етказиш мақсадида 1965 йили Қўйтош — Тахтакорача (Китоб довони) — Одамтош радиореле станциялари қурилиб, Р-60/120 русумли радиореле ускуналари ҳамда антенналари ўрнатилиб, ишга туширилди. Бир вақтнинг ўзидан станцияда ТРСА 56 русумли, 50 Ватт қувватга эга телеузатгич ўрнатилди. Натихада Қашқадарё вилоятида ilk бор республика телевидениеси дастурлари тарқатила бошланди. Бу янгиликни вилоят аҳоли катта хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Воҳа аҳолиси сифатли телевидение дастурлари билан таъминлаш мақсадида 1968 йилнинг 2-чи чорагида Одамтош РТСда вақтинчалик умум қабул қилинган лойиҳа асосида баландлиги 100 метрли телеминора, техник бино ва бошқа зарур иншоотлар қурилди. Техник бинода ҳар бири 4кВт қувватга эга, иккита радиодастурга мўлжалланган "Дождь-2" русумли УКВ ЧМ радиозатгич ва камқувватли ТРСА-56 русумли телеузатгич ўрнига, 5 кВт қувватга эга "Якорь 5/1" русумли телеузатгичлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Телеминорага телерадио сигналларини тарқатувчи антенналар монтаж қилинди.

Олтмишинчи йилларнинг бошига келиб, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида телерадиодастурларни тарқатиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида Қашқадарё минтақавий кабел ва радиореле магистрали бошқармаси (МКРМБ) тузилди ва унга алоқа соҳасида узок йиллар ишлаган К.Носиров бошлиқ этиб тайинланди. 1970-71 йилларда эса МКРМБ бошлиғи вазифасида Х.Азизов ишлади. Аммо бу минтақавий бошқарма 1971 йили тугатилиб, РРЛ ва РТСлар Самарқанд МКРМБ тасарруфига ўтказилди.

1972 йилнинг 4-чорагида "Зона-1" русумли телеузатгич ўрнатилиб, сошлаш ишлари амалга оширилди ва ўрнатилган телерадио жиҳозларини узлуксиз энергия билан таъминлаш учун 10 кВт қувватли электр узатиш линияси ва трансформатор станцияси қурилди.

Бу даврда РТУМ тасарруфидagi радиореле линияларининг эскирган техник жиҳозларини рангли телевидениега мўлжалланган замонавий техник жиҳозларга алмаштириш лойиҳа-

лаштирилди. Лойиҳага асосан, Қарши шаҳрида 75 метрли телеминора қурилди. Телеминора билан бир қаторда Тахтакорача-Қарши-Одамтош-Дарбанд-Жарқўрғон-Вахшвор радиореле линиясининг қурилиши ва Р-600-2М турдаги радиореле ускуналар маъмуни монтаж ва сошлаш ишлари кенг кўламда олиб борилди ва 1976 йили ишга туширилди. Шу йили Қарши шаҳридаги радиореле станциясида 100 Ватт қувватга эга РЦТА-70 русумли узатгич ва тарқатишантеннаси ўрнатилиб, Ўзбекистон телевидениесининг учинчи дастури эфирга тарқатила бошланди. Ушбу телерадио иншоотлари вилоят аҳолиси сифатли телерадиодастурларини етказиб бериш ва қамровни кенгайтириш имконини яратди ҳамда ҳозирги кунда ҳам воҳа аҳоли учун хизмат қилиб келмоқда. Бу ишлар Республика радио ва телевидение бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқачи Юсупали Усмонов раҳбарлигида самарқандлик ва қашқадарёлик муҳандис-техник ходимларнинг фидокорона меҳнатлари эвазига амалга оширилди.

1976 йилдан бошлаб вилоятнинг чўл ва тоғолди ҳудудларидаги аҳоли масканларини телерадио дастурлари билан қамраб олиш тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалга оширила бошланди. Режага асосан, Шахрисабз туманининг Мирочи қишлоғида ва Муборак шаҳрида Одамтош ва Лангар РТСлари телесигналларини қабул қилиб, қайта эфирга узатадиган 1 Ваттлик микроретрансляторлар ўрнатилди. Шу тариқа вилоятда теледастурлар қамрови кенгайиб борди.

1979 йилда Қашқадарё МРМБ Қашқадарё радиотелевидение узатиш маркази (РТУМ)га айлантилди.

1980 йили Шахрисабз туманининг денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда жойлашган Чингурак аҳоли масканида РТС қурилиб, РЦТА-70 русумли 2та телеузатгич ишга туширилди. Натихада тумanning тоғли ҳудудида жойлашган Чингурак, Сарчасма, Хисорак, Сайёд, Аммагон, Сувтушар, Бешбек, Нондек ва Тамлуш каби қишлоқлари аҳолиси теледастурларни кўришдан баҳраманд бўдилар.

1981 йили Муборак шаҳри атрофи-

1984 йили вилоятнинг Дехқонобод туманидаги Кўксой қишлоғи яқинидаги баландликда мўъжазгина техник иморат, телемачта ва электр линияси қурилди ва РЦТА-70 русумли телеузатгичлар ўрнатилиб, телевидение дастурлари эфирга тарқатила бошланди. Натихада тумanning Белибойли, Оқтош, Терсоқар, Тиллатепа, Авжун, Чилгаз, Кўксой ва Қуруқсой каби қишлоқлари аҳолиси ҳам теледастурларни кўриш имкониятига эга бўлди.

1984-85 йиллар мобайнида Одамтош телестанциясида реконструкция ишлари олиб борилиб, маънавий эскирган телеузатгичлар ўрнига рангли телетасвирларга мўлжалланган "Зона-2 ва АТРС 5/1" русумли замонавий телеузатгичлар ўрнатилди. Шунингдек, Қарши, Косон ва Муборак РТСларида ҳам техник талабга жавоб бермай қолган Р-60/120 русумли жиҳозлар замонавий ПТТ 8/960 русумли РРС жиҳозларига алмаштирилди. Бу ишларни амалга оширишда РТУМ бошлиғи Т.Мўминов, ёш мутахассислардан Х.Сатторов, Р.Шодмонов ва М.Бафоевлар фаол иштирок этдилар.

1988-89 йилларда Ўзбекистон радиозинтиришларини вилоятнинг Муборак, Бахористон, Касби ва У.Юсупов туманлари аҳолисига етказиб бериш мақсадида Косон туманининг Оқтепа қишлоғида радиостанция қурилди.

1991 йилдан Россиянинг "Маяк" радиодастури ўрнига мустақиллик меваси — "Ёшлар" радиодастурлари узатила бошланди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда телерадиозинтириш иншоотларини қуриш, ишлаб турганларини жаҳон андозасидаги замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозлаш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. 2003-2005 йилларда вилоятда ҳам радиотелестанцияларни қайта жиҳозлаш режалари ишлаб чиқилди ва ҳукумат қарори билан Япониянинг JВIC инвестиция лойиҳаси асосида ажратилган маблағ ҳисобига радиотелестанцияларни қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Қарши радиотелевидение станциясида воҳа аҳолисини вилоят янгиликлари билан таъминлаш мақсадида, 102.3 мГца ишлайдиган FMS-250 русумли радиозат-

Одамтош радиотелестанциясида 1та 10 кВтли, 2та 5 кВтли телеузатгич ва ҳар бири 2 кВтдан 3та FM радиозатгич Кўксой телерадиостанциясида 2та 100 Ваттли, Чингурак телерадиостанциясида эса 3та 100 Ваттли телевизион узатгич ва 2та 100 Ваттли FM радиозатгич монтаж қилиниб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 сентябрдаги "Йўлдошли алоқа тизимлардан фойдаланган ҳолда телерадиозинтиришларни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш чоралари тўғрисида"ги 172-қарори асосида вилоят ҳокимининг қарори ишлаб чиқилди. Унинг асосида вилоятдаги телесигналлар этиб бормайдиган ҳудудлардаги аҳолини давлат телерадиодастурлари билан таъминлаш мақсадида Хитой Халқ Республикасининг имтиёзли кредити ҳисобидан Дехқонобод туманида 20та, Шахрисабз туманида 10, Китоб туманида 7, Чирокчи туманида 6, Қамаш туманида 3, Яқсабод туманида 1, Миришкор туманида 1та — жами бўлиб 48 масканди камқувватли микротелерадио ускуналари ўрнатилди ва ишга туширилди. Натихада вилоят аҳолисини "Ўзбекистон" телерадиостанцияси билан қамраб олиш 100 фоизни, "Ёшлар" ва "Спорт" телерадиоканаллари дастурлари билан қамраб олиш эса 99,2 ва 98,1 фоизни ташкил этди.

Бу ишларни амалга оширишда Қашқадарё радиотелевидение узатиш маркази жамоаси турли даврларда марказга раҳбарлик қилган Р.Шодмонов, А.Абдуллаев, ва Х.Сатторовлар бошчилигида фидокорона меҳнат қилдилар. Жамоа орасида алоҳида фаоллик кўрсатиб меҳнат қилган мутахассислар муносиб тақдирландилар. Жумладан, Паландара РТС бошлиғи Қ.Хўлиқов 2005 йили "Моҳир алоқачи" унвони билан, Кўксой РТС бошлиғи У.Авазов 2003 йили ва Нуристон КТВ станцияси бошлиғи Р.Бойматов 2007 йили "Ўз касбининг устаси" белгиси билан, РТУМ бош муҳандиси Х.Сатторов 1996 йили ЎзААнинг "Фахрий ёрлиғи" ва 1998 йили "Аъло даражали мутахассис" белгиси билан тақдирландилар.

**М.АТАМУХАМЕДОВ,**  
РРТМ бош директори,  
**А.ШОДМОНОВ,**  
Қашқадарё РТУМ директори

## ODOBNOMA

Болалигимизда кўп эртақ эшитганмиз. Уларнинг аксариятида ёвуз кучларга учраган қахрамонлар чиройли саломлари билан вазиятдан чиқиб кетадилар. "Ҳап, саломинг бўлмаса икки ямлаб бир ютардим", дея саломнинг аҳамиятига алоҳида урғу берилади ёмонлик тимсоллари. Агар эртақларни тарбиянинг ажойиб бир воситаси эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, одамларнинг ўзаро самимият билан саломлашишлари замирида жуда катта маъно ётганлигига амин бўламиз.

...Гулнора ая неварасини шифокор кўригига олиб борди. Оппоқ халати ўзига ярашиб турган шифокор аёл аяни "Ассалому алайкум, аяжон. Яхши келдингизми, неварангизми бу асал қиз?" дея очик чеҳра билан қарши олди. Болани яхшилаб текшириб, соппа-соғ эканлигини ва эмлаш мумкинлигини айтди. "Кейинги хонага кирсангиз ҳамшира қизимиз эмлаб кўяди, яхши боринглар", дея самимий кузатди.

Шифокорнинг ширин муомаласидан кўнгли тоғдай кўтарилган ая хурсанд ҳолда кейинги хонага кирди. Лекин...

— Мана бу томонга олиб ўтиб, енгини шимаринг, — деди ҳамшира салом-аликни ҳам йиғиштириб, — тезроқ бўлинг, вақтим жуда зик.

Гулнора аянинг хушқайфиятидан асар ҳам қолмади. Аввало невараси тенги қизнинг кўпол муомаласидан дили оғриди. Қолаверса, одоб билан берилган саломнинг ўрни бошқа-да.

Хаётимизда бу каби воқеалар ҳар қадамда учрайди. Биз ахлоқ ва одобда, муомалада беназир бўлган халқнинг фарзандларимиз. Момоларимиз қизларига ҳамма вақт ўзингдан катталарга салом беришни унутма, уларнинг йўлини кесиб ўтма, тик қараб гапирма, дея таълим беришган. Ўғил болаларни рўзгор тебратишга, қизларни эса оила бекаси бўлишга ёшлигидан тайёрлашган. Шарқона муомала маданиятига ўргатишган. Зеро, бир оғиз сўз воқеа жараёнини яхшиликка

ҳам, ёмонликка ҳам буриб юбориши мумкин. "Яхши гап билан илон инидан чиқади", деган мақол бежиз пайдо бўлмаган эл орасида. Демак, ҳар бир сўзни аввал яхшилаб ўйлаб, сўнг гапириш керак. Зотан, ўринсиз сўзламоқликнинг натижаси пушаймонлик билан тугаши аниқ, Ноўрин сўзайтиб қўйиб, сўнг афсус чеккан пайтла-

# ХАТ, САЛОМИНГ БУЛМАСА...

римиз ҳар биримизда бўлиб ўтган. Гап ана шу ҳолатдан тўғри хулоса чиқармоқликда, албатта.

Ривоят қилишларича, қадимда доно ва билимдон бир подшоҳ бўлиб, у ўз улуси маънавиятини оширишга жиддий аҳамият берар, мажлисларда ҳам асосий эътиборни шунга қаратар экан. Подшоҳ ана шундай мажлислардан бирига таниқли ва эл орасида ҳурматли тўрт олимни таклиф этибди ва дебди:

— Ҳар бирингиз шундай ҳикмат айтингизки, у тарбиянинг асоси бўлишга арзирли бўлсин.

Биринчи олим айтибди: — Донишманд одамлар сўзламасликни афзал биладилар. Иккинчиси дебди:

— Эл орасида ҳурматим йўқолмасин деган одам ўз ақли билан маслаҳатлашадиган ва сўнг сўз сўзлайди.

Учинчиси айтибди: — Ўйламасдан сўзламаслик энг хайрли ишлардан бири.

Тўртинчиси дебди: — Тинчлик-хотиржамликда яшайман

деган инсон ўзини толе ихтиёрига топширади.

Кўриниб турганидек, ақлли одамлар тилга эҳтиёткор бўлишликни тарбиянинг асоси деб ҳисоблаганлар.

Биз ҳам ота-боболаримиз анъаналарига содиқ ҳолда фарзандларимизга муомала маданиятидан сабоқ берайлик. Токи, ўғил-қизларимиз борган жойларига салом бериб кирсинлар. Бирор масалада кимгадир мурожаат қилишдан тортинмасинлар, демокчи бўлган фикрларини очик-ойдин баён қила билсинлар.

— Ҳозирги пайтда ёшлар маънавиятига эътибор анча сусайиб кетди, — дейди талабалардан бири. — Баъзан уялиб кетаман тенгдошларимнинг муомала-ю, ўзларини туттишларидан. Бунга кексаларимизнинг лоқайдликлари ҳам сабаб бўлмаётимикин? Илгари кексалар автобусларда, жамоат жойларида шовқин-сурон қилаётганларга ёки ёши улуг одамни кўриб, ўзини уйқуга солаётганларга танбех беришар эди. Ҳозир-чи, индашмайди. Мен аниқ ишонаман, катта ёшдагиларнинг танбехи, албатта таъсир қилади ёшларга.

Яна автобус масаласида. Жамоат транспорти назоратчилари ўз вазифаларини чипта сотишдангина иборат деб ўйлашади. Аслида, улар вақти-вақти билан "Ўзингиздан катталарга жой беринг", деб эслатиб туришса нур устига аъло нур бўларди. Шунингдек, жамоат транспортларида ўриндиқлар тепасига "Кексалар ва болалар учун" деб ёзиб қўйиш ҳам қийинчилик туғдирмайди.

Этанги кунимиз, бизнинг келажагимиз бугунги ёшлар кўлида. Шундай экан, уларни миллатимизга хос шарқона маданиятли, ақли ва меҳнатсевар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилайлик.

Муборак МИРКАМОЛОВА

**Тахририятдан: Мақолада бугунги кундаги долзарб масалалардан бири қаламга олинган. Бу борада Сиз нима дейсиз, азиз газетхон. Фикр ва мулоҳазалар битилган мактубларингизни кутамиз.**

## BU – QIZIQ!

## 180 МИНГ ДОЛЛАРЛИК КАЛИТ

«Титаник» кемасини ҳалокатдан асраб қолиши мумкин бўлган жимитдақ калит кимошди савдосида 90 минг фунт (180 минг АҚШ доллари)га сотилди.

ВВС хабарига кўра, 1912 йилнинг 15 апрелида Нью-Йоркка йўл олган «Титаник» денгизга фарқ бўлган кўни дурбин солинган кўти калити кема бортида бўлганида, энг ийрик денгиз ҳалокатининг олди олинган бўлар эди. Гап шундаки, ўша пайтда «Титаник» офицери Дэвид Блейр қисқа муддатга бошқа кемага ўтказилган ва бундан ранжиган Дэвид калитни ўринбосарига қолдирмай ўзи билан олиб кетган. Ҳалокатдан сўнг офицер ўз ҳаётини асраб қолган ушбу калитни сеҳрли тумор сингари сақлаб келган.

Аукционни олиб борган Генри Алдрижнинг айтишича, калит нарҳни телефон орқали билдирган шахсга сотилган. Аукцион Англиянинг Уилтшир графлигида бўлиб ўтган.

Шунингдек, ушбу кимошди савдосида «Титаник»ка олинган чипта (64 АҚШ доллари), ҳалокатдан сал аввалроқ кемадан жўнатишган почта ойнахати (34 АҚШ доллари) ҳам янги эгаларига кўлига ўтди.

## BILASIZMI?

● 1983 йилда «Таймс» ва «Штерн» газеталари бир вақтнинг ўзиде Адолф Гитлернинг кундалигини чоп этган. Кейинчалик маълум бўлишича, улар қалбаки экан.

● 1989 йили Италия миллий банки — «Дел Лаворо» қалбаки ҳужжатлар билан амалга оширилган амалиёт натижасида 5 миллиард доллар йўқотган.

● Тарихдан бизга маълум бўлган энг кекса фирибгар миллоддан олдинги 246 йили Юнонистонда қўлга олинган. У ўзи ёзган битикларни атайин эски ҳолга келтириб, нодир кўлэзмалар сифатида пуллар эди.

● Инсон тарқатиши мумкин бўлган энг баланд товуш қичқирқ эмас, балки... хурракдир! Айримларнинг хуррак отиши нақ 69 децибелга етар экан.

● 1316 йилнинг декабр ойида қақшатқч совуқдан Парижнинг деярли барча кўприклари бузилиб кетган экан.

**Интернет тармоғининг ахборот ресурси (ru — ресурс информации — сетти Интернет, en — Internet information resource) —** Интернет тармоғи воситалари билан очик кириш тартибиде тақдим этилган ва ноёб манзилга эга бўлган ахборотнинг тузилмаштирилган тўплами.

**Интернет тармоғидаги сайт (ru — сайт в сетти Интернет, en — Internet site) —** IP-манзилга ва кўшимча домен номига эга бўлган ахборотнинг тузилмаштирилган тўплами.

## АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

**Интернет тармоғидаги расмий сайт (ru — сайт в сетти Интернет официальный, en — official Internet site) —** Юридик шахснинг номи ва рекевизитларига эга бўлган сайт.

**Электрон почта кутиси (ru — ящик почтовый электронный, en — electronic mail box, e-mail box) —** Интернет тармоғи бўйича хабарларни жўнатиш ёки олиш учун ноёб рақам (электрон почта манзили)дан фойдаланувчи дастурий техник воситалар тўплами.

**Интернет тармоғидаги адресация**

**Адрес (ru — адрес, en — address) —** 1. Тармоқ ёки тармоқ қурилмасига бошқа тармоқ ва қурилмалар уни ахборот алмашувида аниқлаб олишлари учун бериладиган ноёб идентификатор.

2. Интернет тармоғидаги автоматлаштирилган ахборот тизимлари ўрнашган жойнинг рамзий тасавури.



## НАВОЙИХОНЛИК

Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг, Ёр ўлинг бир-бирингизга-ки эрур ёрлиг иш.

Алишер НАВОЙИ

SPORT

## «ПАХТАКОР» ЯРИМ ФИНАЛДА

Санкт-Петербург шахрида «МДХ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги» бўлиб ўтмоқда. Унда турнирнинг амалдаги чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» клуби мамлакатимиз шарафини химоя қилмоқда.



«Пахтакор» гуруҳ баҳсларини Киевнинг «Динамо»сига қарши ўйиндан бошлади. Учрашувнинг 11-дақиқасида Зайниддин Тожиев томонидан киритилган гол ўйин тақдирини ҳал қилди.

«Пахтакор» — «Динамо» — 1:0.

Иккинчи турда пахтакорчилар Арманистон чемпиони «Бананц» клубини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финал йўлланмасини олдиндан ҳал қилиб қўйишди. Уйинда Зайниддин Тожиев, Анвар Солиев ва Илҳом Суюновлар гол муаллифлари бўлишди.

Ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган учинчи тур баҳсида Равшан Хайдаров захира футболчиларини синовдан ўтказди. Учрашув Беларус чемпиони фойдасига ҳал бўлди.

«БАТЭ» — «Пахтакор» — 2:1.

**Голлар:** Родионов (24), Скавыш (80) — Фарҳод Тожиев (48).

Мусобақанинг чорак финалида Равшан Хайдаров шогирдлари Латвиянинг «Венспилс» жамоасига қарши баҳс олиб борди. Учрашувда «Пахтакор» пеналтилар сериясига кўра галаба қозониб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Бу сафар ҳам «Пахтакор» дарвозабони Темур Жўраев учрашув қахрамони бўлди.

Мамлакатимиз чемпиони ярим финалда «Каунас» жамоаси билан ўйнайди. Литваликлар чорак финалда «Зенит»ни 2:1 ҳисобида доғда қолдирган.



## РОССИЯ ЧЕМПИОНИ БИЛАН ДУРАНГ



Шу кунларда Фарғонанинг «Нефтчи» клуби Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда. Утган ҳафтада Сарқисян шогирдлари Россиянинг амалдаги чемпиони «Зенит» клуби билан назорат учрашувидан майдонга тушди.

Биринчи бўлим асосий вақти тугашига 1 дақиқа қолганида «Нефтчи» футболчилари жарима тўпи тепиш ҳуқуқини қўлга киритишди. Масъуд Тоиров тепган тўпни рақиб дарвозабони Вячеслав Малафеев қийинчилик билан қайтарди, қайтган тўпга биринчи бўлиб етиб келган Темур Исломов гол уриб жамоадошларини олдинга олиб чиқди. Уйин тугашига бир неча дақиқа қолганда «Нефтчи» ҳимоячиси Руслан Мелзитдинов ўз жарима майдончаси ичида қўл билан ўйнаганлиги сабабли пеналти белгилади. «Зенит» ҳужумчиси Павел Погребняк пеналтидан гол киришиб ҳисобни тенглаштирди.

«Зенит» — «Нефтчи» — 1:1.

## ЁШЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА

Қатар пойтахти Дохада 19 ёшгача бўлган терма жамоалар ўртасидаги халқаро турнир ўтказилмоқда.

«А» гуруҳида баҳс олиб бораётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси дастлабки ўйинда қатарлик тенгдошларини 2:1 ҳисобида доғда қолдирди. Иккинчи тур ўйинида Хитой ёшларига қарши майдонга тушган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари 0:2 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

Энди ҳал қилувчи 3-турда вакилларимиз Кипр ёшлар терма жамоаси билан куч синашади. Кипрликлар биринчи ўйинда хитойлик тенгдошлари билан дуранг ўйнаганлигини ва мезбонлар устидан галаба қозонганини эътиборга олсақ, Аҳмад Убайдуллаев шогирдларига бу ўйинда анча қийин бўлиши аниқ.

«В» гуруҳидан Германия, Полша, Япония ва Миср жамоалари жой олишган.

## ЭЪЛОН!

Сирдарё вилояти Янгйер шаҳридаги 10-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Обидов Нарзулло Жўрахоновичга берилган О'Р-А №018552 сериали шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

«Фаргона Телеком» филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Бағдод телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

Қаҳрамон БЕКМИРЗАЕВнинг бевақт вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат алоқа инспекцияси жамоаси Самарқанд вилояти Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Амонилло Шароповга акаси

Лутфулло ШАРОПОВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## «ТШТТ» БИРИНЧИЛИГИ

«Ўзбектелеком» АК «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали бошқарув аппарати ва боғламаларида меҳнат қилаётган ходимларни спортга жалб қилиш, улар ўртасида футболни тарғиб қилиш ва оммавийлаштириш мақсадида турли мусобақалар ташкил этилмоқда.



Яқинда навбатдаги футбол мусобақаси — «ТШТТ» филиали биринчилигига старт берилди.

Ҳафтанинг шанба кунлари ўтказилаётган баҳсларда 10та жамоа ғолиблик учун кураш олиб бормоқда. Мусобақа Наврўз байрами арафасида ўз якунига етади. Ушбу биринчилик футбол бўйича Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Кўчма Кубоги мусобақаларида иштирок этадиган «ТШТТ» терма жамоасига номзодларни танлаб олиш имконини ҳам беради.

**Г.КЕНЖАХУНОВА,**

«ТШТТ» Тарбиявий маърифат ва маданият фаолияти гуруҳи муҳандиси

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

## ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Лутфулло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асалжон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 233-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ①  
Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани таъйиришда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри,  
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

54-Г сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табоқ.  
Адади: 14528 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҲҲРИЕВ.  
Матн теруви: Дилфуза МАТҚҲРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркази.


Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 2 3 4 5 6 7 8

BO'SH VAQTLARDA



KROSSVORD



Тузувчи: Умид ИСМОИЛОВА

ЭНИГА:

1. Балхаш кўлига қуйилувчи дарё. 3. Оғир, телса тебранмас. 9. Ҳам вилоят, ҳам дарё. 10. Дунёдаги энг баланд тоғ. 15. Адабий йўналиш. 16. Қитъа-мамлакат. 17. Чақалоқдан катта, ўсмирдан кичик. 20. Спортда кўкрак билан сузиш усули. 21. Мамлакатимизнинг асосий бойликларидан бири, техник экин. 22. Рекламадаги тишни химоя қилувчи сақич. 25. Мумтоз ўзбек шоираси. 26. Товар ёки маҳсулот айирбошлаш. 27. Муסיкий асбоб. 29. Атомдан тинчлик мақсадларида фойдаланишни назорат этувчи халқаро ташкилот. 32. Энг қаттиқ минерал, қимматбаҳо тош. 33. Йўловчи ташийдиган автомобил транспорти тури. 34. Қора денгиз соҳилидаги курорт шаҳар. 39. Онанинг ака ёки укаси. 40. Буюк шоир Алишер Навоий номи билан аталувчи ... Давлат университети, 1927 йилда ташкил толган. 41. Таниқли грузин шахматчиси, аёллар ўртасида собиқ жаҳон чемпиони (исми). 44. Ернинг Куёш атрофида айланишини башорат қилган улуг ватандошимиз, қомусий олим. 45. Арктика жойлашган кутб. 46. Индонезиядаги орол; мотоцикл русуми. 47. Ислом динидаги беш фарзнинг бири.

БЎЙИГА:

2. "ВАЗ" туркумига кирувчи автомобил. 4. Бу жонивор японларда гўзаллик рамзи ҳисобланади. 5. АҚШдаги дарё. 6. Оқуш, чўртанбалиқ ва қисқичбақа уни жилдиролмай бўлишди ҳалак. 7. Икки томоннинг ўзаро келишуви. 8. Гагарин, Армстронг, Титов — ... 11. Энг азиз ва муҳтарам инсон. 12. Шимолий Америкадаги давлат пойтахти. 13. Билим даргоҳи. 14. Африкадаги кўл. 18. Осиёдаги мамлакат пойтахти. 19. "Қумуш" мамлакат. 23. Алишер Навоий туғилган шаҳар. 24. Европадаги мамлакат пойтахти. 28. Сибирдаги шаҳар. 29. Санъат тури. 30. "Тарихи арбаъин улус" ("Тўрт улус тарихи") асари муаллифи. 31. "Тақдир ҳазили" кинофилмидаги қаҳрамонлардан бири. 35. АҚШдаги штат. 36. Бу неъматни етиштиришда Самарқанд вилояти республика-мизда етакчи ҳисобланади. 37. Илдизи истеъмол қилинадиган доривор гиёҳ. 38. Тошкентдаги спорт-соғломлаштириш мажмуи. 42. Баъзи тарихчи-тилшуносларимизнинг фикрича, Украина пойтахти Киев шаҳри номи шу мазмунни билдираркан. 43. Эстрада гуруҳи.

2001 ЙИЛДА ЧИКАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

423-431. "Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ютуқлари" купонли почта маркалари туркуми. О.Андреевский дизайни.

Маркаларда Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида голибликни қўлга киритган Ўзбекистон спортчилари тасвирланган.



426. "Багдасаров Армен" почта маркаси.

Дзю-до. Атлантадаги Ёзги Олимпия ўйинлари. 1996 й. Қумуш медал.



427. "Қосимжонов Рустам" почта маркаси.

Шахмат. Эркалар ўртасида Осиё чемпиони. Техрон. 1999 й. 1-тахтада 3-ўрин.



428. "Қосимов Отабек" почта маркаси.

Каратэ. Ёшлар ўртасида Жаҳон кубогининг 4 карра голиби.

"Kulgi.NET"

- Почтачи нимани билиши керак?
- Ҳамма нарсани.
- Бўлим бошлиғи-чи?
- Деврли почтачи билган нарсани.
- Йўриқчи, тафтишчи-чи?
- Почтачи билиши керак бўлган нарсанинг



- қайси қўлланмада бўлишини.
- Бошлиқ ўринбосари-чи?
  - Ўша китоб қаердалигини билиши керак.
  - Бошлиқ-чи?
  - Ўринбосарнинг қаердалигини билса бўлди.

Ҳошимжон ТОШМАТОВ

YASAB KO'RING

КОМПЬЮТЕРДАН... ВЕРТОЛЁТГАЧА

Агар компютерингиз умуман яроқсиз ҳолга келиб қолса, уни ташлаб юборишга шоянманг. Чунки унинг эҳтиёт қисмларидан ажойиб буюмлар, совғабоп ўйинчоқлар ясаш мумкин. Бунинг учун сиздан озгина кунт ва маҳорат талаб қилинади, ҳолос.



Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Табриклаймиз!

"Фаргона Телеком" филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касба уюммаси қўмитаси жамоалари Қува телекоммуникациялар боғламаси линия электромонтёри Амирҳамза ОЛИМОВни ва Ўзбекистон телекоммуникациялар боғламаси АТС электромеханиги Эргашали ПУЛАТОВларни муборак 60 ёшга тўлишлари муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўриб яшашликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси филиалнинг хўжалик ишлари бўлими бошлиғи Хайрулла ШУКУРОВ ва Термиз шаҳар почта алоқаси тармоғи бош оператори Чори ХАЙИТОВларни таваллуд кунлари билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий бахт ҳамisha ҳамроҳ бўлишини тилайди.

